изменяется от серицина к фиброину. Глицин, аланин, серин и валин, составляющее основное содержание фиброина, присутствуют в заметных количествах и в серицине. Кроме того, в серициновых фракциях преобладают аминокислоты с гидрофильными участками боковых цепей, уменьшающиеся по мере приближения к фиброиновой фракции. Например, количество остатков аспаргиновой кислоты снижается от 58 до 40, треонина – от 21 до 5, серина – от 103 до 42 и т.д. Количество аминокислотных остатков глицина и аланина, напротив, увеличивается соответственно с 71 до 176 и с 20 до 77. По мере приближения к фиброиновой части аминокислотный состав фракций серицина постепенно меняется.

Таким образом, аминокислотный анализ по слоям волокна натурального шелка подтверждает предположение о постепенном переходе от серицина к фиброину как по структуре, так и по аминокислотному составу. Начиная с процесса кокономотания вплоть до заключительной отделки шелковых тканей, нить подвергается различным мокрым обработкам. При этом частично удаляется низкомолекулярный белковый компонент – серицин, а также набухает полимерный субстрат. Оптимальные свойства натурального шелка достигается при содержании в нем серицина 4-5% от массы.

С целью изучения структурных свойств шелка-сырца: отварного и подвергнутого действию неорганических и органических перекисей, красителей в водных и неводных средах исследования также проводили методами сорбции и измерения плотности. Нить, полученная при размотке коконов (шелк-сырец), представляет собой два фибриновых стержня, связанных между собой серицином, объем которого составляет 26-32% от общей массы. При подготовке образцов к испытанию серицин с шелка-сырца удаляли отваркой. Сорбцию паров воды и спиртов изучали при помощи пружинных вольфрамовых весов Мак-Бэна, чувствительность 1,5 мг/мм при 25±0,1°С при остаточном давлении 10-5 мм рт. ст. Плотность измеряли методом электромагнитного поплавка.

Увеличение размера углеводородного радикала сортбата уменьшает равновесную сорбцию низкомолекулярных соединении шелковой нитью. По-видимому, это объясняется уменьшением доступности пор молекулам большого размера. Диаметры молекул воды, метанола и этанола составляют соответственно 35, 46 и 52 нм. Для наглядного представления о плотности упаковки структурных элементов шелка построили дифференциальные кривые распределения пор по эффективным радиусам.

Полученные результаты свидетельствуют о том, что в натуральном шелке имеются поры радиусами от 100 до 1000 нм. Поскольку в спиртах шелк не набухает, то в этом случае полученные характеристики, очевидно, близки к истинным. В структуре шелка-сырца преобладают поры радиусами 150-350 нм, что позволяет отнести шелк к сорбентам с мезопорами. Кривая распределения пор по воде характерна для систем с переходными порами. Вода, обладая высоким химическим сродством к серицину и фиброину, может сорбироваться на активных центрах макромолекул: карбонильных группах, аминогруппах, на алифатических и ароматических гидроксилах. Поэтому можно предположит, что в присутствии воды за счет адсорбции и набухания в шелке-сырце происходит как бы выравнивание пор. При этом доступная поверхность по сравнению с удельной, определенной по сорбции спиртов, увеличивается.

Итак, суммарный объем пор для шелка-сырца, если адсорбат вода составляет 0,245 $см^3/г$, удельная поверхность – 212 $м^2/г$, коэффициент диффузии – $1,11*10^{10}$ $см^2/с$; метанол равен соответственно 0,214 $см^3/г$, 170,1 $м^2/г$, $0,93*10^{10}$ $см^2/с$; этанол – 0,089 $см^3/г$, 10,2 $м^2/г$, 0,52 $м^2/г$.

Очевидно, что в натуральный шелк относится к волокнам с довольно развитой поверхностью. Шелк-сырец, представляет собой одноосно ориентированную белковую композицию, армированную фиброиновыми стержнями. Шелковая нить, обладая развитой внутренней поверхностью, является эффективным сорбентом с порами и пустотами, преимущественно размером 150-350 нм.

Изучение сорбции натурального шелка, содержащего различное количество серицина, показало, что с удалением серицина с шелковой нити плотность волокна изменяется сравнительно мало. Суммарный объем пор и удельная поверхность возрастают при переходе от сырца к фиброину. Коэффициент диффузии паров воды у фиброина почти вдвое больше, чем у шелка-сырца, однако при частичном снятии серицина значения коэффициентов диффузии несколько уменьшаются, и у образцов, содержащих 4%, он минимален, так же, как и плотность. По всей вероятности, наличие именно 4% серицина на волокне обеспечивает при большой удельной поверхности наибольшую компактность в структуре натурального шелка.

Рассчитанные из десорбционных данных диффузионные кривые распределения пор по радиусам показывают, что характер пор в волокне по мере удаления серицина меняется. Если шелк-сырец характеризовался в основном переходными порами, то у фиброина преобладают очень мелкие поры порядка 150 нм. У шелка-сырца, содержащего 4% серицина, наблюдается преимущественно поры в 150 нм и более крупные – в 250-300 нм. Наличием этих пор, вероятно, можно объяснить несколько меньшую плотность этих образцов по сравнению с фиброином.

Выводы

1. Изучение аминокислотного состава по слоям волокна натурального шелка позволило сделать предположить наличие постепенного перехода от серицина к фиброину как по структуре, так и по аминокислотному составу.

2. Шелк-сырец представляет собой одноосно ориентированную белковую композицию, армированную фиброиновыми стержнями. Шелковая нить, обладая развитой внутренней поверхностью, является эффективным сорбентом с порами и пустотами, преимущественно размерами 150-350 нм. Установлено также наличие не только физических, но и химических связей между серицином и фиброином в полимерном субстрате.

Литература

1.Гребенщиков Ю.Б., Аширов П.М., Срюков В.Б. Фиброин натурального шелка и модифицированные волокна на его основе; Под ред. А.Л. Вольфа. – Душанбе, 2001. – С. 14-31.

2.Мир животных: Насекомые. Пауки. Домашние животные; Под ред. И.И. Акимушкина. – М.: Мысль, 1990. – 462 с.

3.Рубинов Э.Б. Технология шелка. – М.: Легкая и пищевая промышленность, 2007. – 392 с.

4.Токарева Л.Г., Брадченко Т.Д. Изменения свойств химических волокон под действием ионизирующих излучений // Радиационная химия полимеров. – М.: Наука, 2006. – 408 с.

5.Bird R.B., Armstrong R.C., Hassager O. Dynamics of Polymeric Liquids. – N. Y.: Wiley Interscience, 1987.

6.Goldberg D.R., CraightonT.E. Energetics of protein Structure and Solding // Biopolymers. – 2000. – Vol. 24, №1. – P.167-182.

7.Holland C., Terry A.E., Porter D. Vollrath F. // Nat. Mater. – 2006. – Vol. 5, №11. – P. 870.

8.Keichi K. Формирование натурального шелка и его химический состав // Хикаку Кагаку. – 2002. – №1. – С. 28.

9.Kojic N., Bico J., Clasen C., McKinley G.H. // J. Exper. Biol. – 2006. – Vol. 209, №21.

10.Rising A., Johansson J. // Nat. Chem. Biol. – 2015. – Vol. 11, №5.

11.Texas A&M University. Enormous Spider Web Found In Texas. Science Daily. Science Daily, 2007.

ИЗУЧЕНИЕ АМИНОКИСЛОТНОГО СОСТАВА ФИБРОИНА ПО СЛОЯМ ВОЛОКНА ШЕЛКА

Машарипов С.С., Машарипова Ш.С.

Изучен аминокислотный анализ по слоям волокна натурального шелка. Высказано предположение о постепенном переходе от серицина к фиброину как по структуре, так и по аминокислотному составу. Щелк-сырец представляет собой одноосно ориентированную белковую композицию, армированную фиброиновыми стержнями. Шелковая нить, обладая развитой внутренней поверхностью, является эффективным сорбентом с порами и пустотами, преимущественно размерами 150-350 нм. Также установлено наличие не только физических, но и химических связей между серицином и фиброином в полимерном субстрате.

Ключевые слова: *натуральный шёлк, серицин, фиброин, аминокислота, шелк-сырец.*

УДК: 614.71-074:546.16+[613.12]

ИЗУЧЕНИЕ В ЭКСПЕРИМЕНТЕ ХАРАКТЕРА ОТВЕТНЫХ БИОЛОГИЧЕСКИХ РЕАКЦИЙ ОРГАНИЗМА ПРИ ОДНОВРЕМЕННОМ ИНГАЛЯЦИОННОМ ПОСТУПЛЕНИИ ХИМИЧЕСКИХ ВЕЩЕСТВ НА ОБОНЯТЕЛЬНЫЕ АНАЛИЗАТОРЫ ЧЕЛОВЕКА И РАЗРАБОТКА ИХ ДОПУСТИМЫХ ВЕЛИЧИН В АТМОСФЕРНОМ ВОЗДУХЕ НАСЕЛЕННЫХ МЕСТ

Мирзакаримова М.А.

БИР НЕЧА КИМЁВИЙ МОДДАЛАРНИНГ НАФАС ЙЎЛИ ОРҚАЛИ БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ОРГАНИЗМГАКИРИШИ ВА ХИД СЕЗИШ РЕЦЕПТОРЛАРГА ИНГАЛЯЦИОН ТАЪСИРИНИ ТАЖРИБАДА ЎРГАНИШ,МАЗКУР АРАЛАШМАЛАР УЧУН АТМОСФЕРА ҲАВОСИДАГИ РУХСАТ ЭТИЛГАН МИҚДОРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Мирзакаримова М.А.

EXPERIMENTAL STUDY OF THE NATURE OF THE RESPONSE OF BIOLOGICAL REACTIONS OF THE BODY WITH SIMULTANEOUS INHALATION OF CHEMICALS TO THE OLFACTORY ANALYZERS OF A PERSON AND DEVELOPMENT OF THEIR PERMISSIBLE VALUES IN THE ATMOSPHERIC AIR OF POPULATED AREAS

Mirzakarimova M.A.

Научно-исследовательский институт санитарии, гигиены и профессиональных заболеваний

Мақсад: *ингаляцион йўл орқали организмга турли хил концентрациялардаги қўрғошин ацетат, формалдегид, аммиак ва сулфат ангидрид аралашмасининг рефлектор таъсирини моҳиятини экспериментал ўрганиш ва аҳоли пунктларида атмосфера ҳавоси учун уларнинг рухсат этилган гигиеник мъёрларини ишлаб чиқиш.* ***Материал ва усуллар:*** *тадқиқотлар умумий қабул қилинган стандартлаштириш схемасига, шу жумладан моддаларнинг рефлектор таъсирини ўрганишга мувофиқ амалга оширилди. Ўрганилган аралашманинг хид билиш сезги анализаторга таъсирини ўрганиш адабиётда тасвирланган усул бўйича кўнгиллилар томонидан олиб борилди. Рухсат этилган хид билишмиқдорини аниқлаш 18 ёшдан 26 ёшгача бўлган 26 та, КББ патологияларисиз соғлом кўнгилликларда (волонтерларда) ўтказилди. Аналитик ишлов энг кам квадратчалар усули билан амалга оширилди. Хид билиш цилиндрда ва сезги камераларида модданинг концентрациясининг доимийлигини назорат қилиш умумий қабул қилинган тартибда амалга оширилди.* ***Натижа:*** *26 та кўнгилликларда 234 бор қўрғошин ацетат, формалдегид, аммиак ва олтингугурт диоксиди мос равишда 0,0032, 0,14, 1,50 2,90 мг/м^3 концентрациялари волонтёрларга тақдим этилди. Бунда барча 26 та кўнгилликларда хид билиш шилиқ қатламларига сальбий таъсир этиб қитиқлаш ва нафасни озгина ушлаб туриш холатига олиб келди бу 100% ижобий жавобдир. Такидлаш жоизки ўрганилаётган моддаларни хаводаги миқдорининг пасайиши билан тўғри жавоблар сони камайиши кузатилди. Масалан рухсат эътилган максимал меъёрнинг йиғинди улуши 12 га тенг бўлганда ижобий жавоблар 85,90% ташкил қилди а ижобий йиғинди улуш 9,72 бўлганда 70,68 га, 5,25 бўлганда жавоблар 44.01 ташкил этди, уларнинг таъсири "суммация" типида эканлиги аниқланди.* ***Хулоса:*** *тажрибада қўрғошин ацетат, формалдегид, олтингугурт диоксиди ва аммиак каби, тажрибада қўрғошин ацетати, формальдегид, олтингугурт оксиди ва аммиак каби моддаларнинг кичик концентрацияларидан таркиб топган аралашмани волотнерларнинг хид сезиш рецепторларига қисқа ингаляцион таъсири ўрганилганда уларнинг таъсири «суммация» типида эканлиги аниқланди. Атмосфера ҳавоси таркибида юқоридаги моддалар биргаликда учраганда, улар улушларининг йиғиндиси 1 га тенг бўлиши ҳар бирининг ҳаводаги улуши шу моддаларнинг рухсат этилган бир мартабалик гигиеник меъёрнинг 0,25 қисмидан ошиб кетмаслиги лозим.*

Калит сўзлар: *экспериментал тадқиқотлар, қўрғошин ацетат, формалдегид, олтингугурт диоксиди, аммиакларнинг мураккаб аралашмаси, ингаляцион йўл орқали организмга кириш, атмосфера ҳавоси, ҳид сезиш анализаторлари, кўнгиллилар, гигиеник меъёрлар.*

Objective: *Experimental study of the nature of the reflex action of a mixture of lead acetate, formaldehyde, ammonia and sulfur dioxide in various concentrations on the body during the inhalation route of admission and their normalization in the atmospheric air of populated areas.* ***Material and methods:*** *The research were conducted in accordance with the generally accepted scheme of rationing, which includes the study of the reflex action of substances. The study of the effect of the studied mixture of substances on the olfactory analyzer was carried out on volunteers according to the method described in the literature. The smell threshold was determined in 26 practically healthy people aged 18-40 years without ENT pathology. Analytical processing was performed using the least squares method. Control over the constancy of the concentration of the substance in the snuff cylinder and priming chambers was carried out according to the generally accepted method.* ***Results:*** *when studying the biological effect of a mixture of substances on the olfactory analyzer, it was found that lead, formaldehyde, ammonia and sulfur anhydride in concentrations of 0.0032, 0.14, 1.50 and 2.90 mg/m3, respectively, in all 26 volunteers, at 234 presentations of the mixture (the concentration of the sum of the fractions of the MPC Mr 19.4) caused sensations of smell, mucosal irritation, slight respiratory retention, which is 100% positive responses.* ***Conclusions:*** *lead Acetate, formaldehyde,*

sulfurous anhydride and ammonia with a simultaneous total aerogenic pathway at the level of maximum - single maximum permissible concentrations and higher causes reflex reactions in volunteers. The nature of the combined action of the studied mixture of substances is shown by the type of "summation". When lead acetate, formaldehyde, sumptuous anhydride and ammonia enter the air together, the content of each substance should not exceed 0.25 MPC of it in the air under isolated action.

Key words: *experimental research, mixtures of lead acetate, formaldehyde, sumptuous anhydride, ammonia; inhalation route of intake, atmospheric air, olfactory analyzers, volunteers, hygiene regulations.*

Среди многих гигиенических проблем крупного промышленного города одной из важнейших остается защита окружающей среды от загрязнения выбросами автотранспорта и промышленных предприятий. При химических загрязнениях окружающей среды особую опасность для здоровья населения представляют весьма стойкие и способные к бионакоплению в больших количествах химические вещества: вещества, обладающие канцерогенными или мутагенными свойствами или оказывающие пагубное воздействие, в частности на репродуктивную, эндокринную, иммунную и нервную системы.

Развитие различных отраслей народного хозяйства (цветной и черной металлургии), химической промышленности, производства синтетических волокон, пестицидов и минеральных удобрений и теплоэлектроцентралей и автотранспорта в городах связано с выбросом в атмосферу букета токсических веществ, содержащих в себе газо-, паро-, аэрозольные смеси 1-4 классов опасности. Поэтому установление гигиенических регламентов только при изолированном поступлении веществ является недостаточным. В связи с этим возникает необходимость изучения влияния комбинированного действия химических веществ на атмосферный воздух населенных мест.

Одной из наиболее часто встречающихся комбинаций в атмосферном воздухе населенных мест республики – городах Ташкенте, Алмалыке, Ангрене, Бекабаде, Самарканде, Фергане, Коканде – являются сложные смеси паро-, газо-, аэрозолей химических веществ – формальдегида (ФА) (2 класс опасности), аммиака (АМ) (4 класс опасности), сернистого газа (3 класс опасности) и свинца (1 класс опасности). Свинец широко применяется в производстве труб и радиаторов, красок и красителей, строительных материалов, батарей кислотных аккумуляторов, в качестве добавки к бензину. Формальдегид находит широкое применение в химической промышленности при производстве различных синтетических волокон, пластиков и покрытий. Водный раствор формальдегида широко применяется как дезинфицирующее и антисептическое средство. Основной же вклад в прямые выбросы в атмосферу городов свинца и формальдегида, наряду с промышленными объектами, вносит автотранспорт, поскольку в состав бензина специально добавляется органическое соединение свинца тетраэтил свинец, а в период сжижения жидкого топлива, бензина образуются свинец и формальдегид.

Один из главных загрязнителей химической промышленности – аммиак. Доля аммиака в общих выбросах по отрасли составляет 14,4%. Технологии производства на основных предприятиях химической промышленности в городах Фергане, Коканде, Андижане, Самарканде, Чирчике не отвечают современным требованиям, в атмосферу выбрасывается значительное количество аммиака [6,7]. Сернистый газ – повсеместный загрязнитель атмосферного воздуха, обнаруживается в разных количествах почти во всех отобранных пробах в Чирчике, Алмалыке, Ташкенте, Фергане.

Содержание свинца в отдельные дни в районе свинцово-цинкового производства обнаруживается в пределах 0,0138 мг/м^3, что превышает допустимые максимально-разовые концентрации почти в 9,2 раза, а среднегодовые концентрации свинца в городах составляют 0,0025 мг/м^3, что превышает среднегодовые ПДК его в атмосферном воздухе в 8,3 раза. Обнаруживаемые максимальные концентрации формальдегида в атмосферном воздухе городов часто превышают максимально-разовые предельно-допустимые концентрации (ПДК мр.) Так, максимальные концентрации формальдегида в отдельные дни в городе Андижане – в 2,37 раза (0,083 мг/м^3), в Коканде – в 1,17 раза (0,04 мг/м^3), в Ташкенте – в 0,74 раза (0,026 мг/м^3), в Самарканде – в 4,25 раза (0,149 мг/м^3), в Фергане, в Чирчике – в 3,14 раза (0,110 мг/м^3) выше, чем их ПДК мр. Содержание аммиака в отдельные дни в городе Андижане также превышает максимально-разовые концентрации до 8,4 раза, в Коканде – до 1,33 раза, в Чирчике – до 11 раз, Фергане – до 1,3 раза.

Совместное присутствие во вдыхаемом воздухе букета токсических веществ, содержащих свинец, формальдегид, аммиак и сернистый газ, в значительной мере может усложнять характер ответной реакции верхних дыхательных путей [5].

В связи с этим, возникает необходимость изучения общих закономерностей характера комбинированного действия сложных смесей веществ 1, 2, 3 и 4 класса опасности, состоящих из свинца, формальдегида, аммиака и сернистого ангидрида (СА).

Цель исследования

Экспериментальное изучение характера рефлекторного действия смеси ацетата свинца (АС), формальдегида, аммиака и сернистого ангидрида в различных концентрациях на организм при ингаляционном пути поступления и их нормирование в атмосферном воздухе населенных мест.

Материал и методы

Исследования проведены в соответствии с общепринятой схемой нормирования, включающей изучение рефлекторного действия веществ [3,4]. Влияние исследуемой смеси веществ на обонятельный анализатор изучали на добровольцах по описанной в литературе методике [2]. Порог запаха определяли у 26

практически здоровых людей в возрасте 18-40 лет без патологии ЛОР-органов. При аналитической обработке использовали метод наименьших квадратов [8]. Постоянство концентрации вещества в нюхательном цилиндре и затравочных камерах контролировали согласно общепринятой методике [1].

Было изучено действие 8 концентраций сложной смеси, в каждой из которых содержание отдельных изучаемых веществ постепенно снижалось:

АС – от 0,0032 до 0,0004 мг/м^3, ФА – от 0,14 до 0,009 мг/м^3, АМ – от 1,5 до 0,05 мг/м^3, СА – с 2,9 до 0,125мг/м^3 (табл. 1).

Таблица 1

Соотношение изученных концентраций компонентов смеси к их ПДК мр в атмосферном воздухе

Наименование химических ингредиентов смеси				
АС (1 класс опас.)	ФА (2 класс опас.)	АМ (4 класс опас.)	СА (3 класс опас.)	сумма долей от ПДК мр
0,0032* 0,0015** (2,1)***	0,14 0,035 (4,0)	1,5 0,2 (7,5)	2,9 0,5 (5,8)	19,4
0,0025 0,0015 (1,66)	0,091 0,035 (2,6)	0,8 0,2 (4,0)	1,85 0,5 (3,7)	12,0
0,022 0,0015 (1,46)	0,074 0,035 (2,1)	0,6 0,2 (3,0)	1,43 0,5 (2,86)	9,42
0,0019 0,0015 (1,26)	0,058 0,035 (1,84)	0,36 0,2 (1,8)	0,98 0,5 (1,96)	6,86
0,0016 0,0015 (1,1)	0,042 0,035(1,2)	0,25 0,2 (1,45)	0,75 0,5 (1,5)	5,25
0,0009 0,0015 (1,6)	0,024 0,035(0,68)	0,20 0,2 (1,0)	0,4 0,5 (1,8)	3,08
0,0007 0,0015 (0,46)	0,015 0,035(0,42)	0,10 0,2 (0,5)	0,2 0,5 (0,5)	1,88
0,0004 0,0015 (0,46)	0,009 0,035(0,25)	0,05 0,2 (0,25)	0,125 0,5 (0,25)	1,0
Чистый воздух	-	-	-	-

Примечание. * – фактические концентрации, ** – ПДК мр, *** – отношение фактических концентраций к ПДК мр.

Результаты и обсуждение

При изучении биологического действия смеси веществ на обонятельный анализатор было установлено, что свинец, формальдегид, аммиак и сернистый ангидрид в концентрациях соответственно 0,0032, 0,14, 1,50 и 2,90 мг/м^3 у всех 26 волонтеров при 234 предъявлениях смеси вызывало ощущения запаха, раздражения слизистой оболочки, незначительную задержку дыхания, что составляет 100% положительных ответов.

Необходимо отметить, что со снижением уровня воздействующих концентраций исследуемых веществ в нюхательном цилиндре количество правильных ответов уменьшалось. Так, при сумме долей от ПДК мр. 12,0 количество положительных ответов составило 85,90, при снижении суммы долей до 9,72% положительных ответов было 70,68 , а при сумме долей 5,25 – 44,01 (табл. 2).

Таблица 2

Результаты изучения альфакторного действия свинца, ФА, СА и АМ в различных концентрациях, мг/м^3

Сумма долей от ПДК максимально разовой	Отношение количества ответов к общему количеству предъявлений	% полученных ответов	Чистый воздух	Количество отрицательных ответов
19,4	234/234	100,0	9	1
12,0	234/201	85,89	8	1
9,42	232/164	70,68	10	1
6,86	234/119	50,85	8	1
5,25	234/103	44,01	7	1
3,08	230/781	35,21	7	1
1,88	233/521	22,2	8	1
1,0	230/309	13,04	9	2
Чистый воздух			66	9

Каждая смесь препаратов в отдельности подвергалась анализу, то есть вычислялось число положительных и отрицательных ответов каждого волонтера. Для получения более точных результатов и для исключения ошибочных ответов на вдыхание чистого воздуха, полученные данные обрабатывались по формуле Шнейдера – Орелли:

$$X_{см} = \left(\frac{X_{пр}}{100} - \frac{X_{ош}}{X_{ош}}\right)\cdot 100,$$

где: 00 – $X_{ош}$, $X_{см}$ – стандартный процент положительных ответов; $X_{пр}$ – экстремальный процент положительных ответов; $X_{ош}$ – процент ошибочных ответов (положительные ответы на чистый воздух).

Полученные проценты положительных ответов волонтеров по отношению ко всей сумме предъявлений в зависимости от концентрации веществ анализировались на стандартной пробитной сетке, а затем были использованы для построения зависимости «концентрация-эффект» на стандартизированной логарифмически вероятной (пробитной) сетке с вычислением $EC_{16,}$ EC_{50} и $EC_{84.}$

При этом EC_{16} для АС составляла 0,0032 мг/м^3, для ФА – 0,036 мг/м^3, для АМ – 0,165 мг/м^3, для СА – 0,51мг/м^3. Углы наклона прямой зависимости вероятности обнаружения запаха от величины воздействующей концентрации веществ для АС составила 66°, для ФА- 62°, для АМ 52°, для СА 55°, коэффициент заноса соответственно 4,6; 4,0; 3,3; 3,4. Путем деления пороговой концентрации на коэффициент запаса установили подпороговые концентрации: для АС – 0,0003 мг/м^3, для ФА – 0,008 мг/м^3, для АМ –0,06 мг/м^3, для СА – 0,13 мг/м^3.

Согласно методическим указаниям по обоснованию ПДК в атмосферном воздухе населенных мест был рассчитан коэффициент комбинированного действия (Ккд) по формуле:

$$Ккд = \frac{С\,ас}{ПДКас} + \frac{С\,фа}{ПДКфа} + \frac{С\,са}{ДКса} + \frac{С\,ам}{ПДКам} = \frac{0,0003}{0,0015} + \frac{0,008}{0,035} + \frac{0,13}{0,5} + \frac{0,06}{0,2} =$$

$$= 0,2 + 0,22 + 0,26 + 0,3 = 0,98$$

При изучении рефлекторного действия сложной смеси было выявлено, что действие изученных нами веществ (свинец, формальдегид, сернистый ангидрид и аммиак) при суммарном поступлении в организм более сильное, чем действие каждого из этих веществ отдельно. При комбинированном поступлении сложной смеси через дыхательные пути их комбинированное действие может быть определено как «суммация». Таким образом, для предупреждения неблагоприятного воздействия ацетата свинца, формальдегида, сернистого ангидрида и аммиака на санитарные условия жизни населения (появление неприятного запаха, раздражение) содержание каждого вещества, входящего в смеси не должно превышать 0,25 ПДК его в атмосферном воздухе при изолированном присутствии.

Выводы

1. Ацетат свинца (1 класс опасности), формальдегид (2 класс опасности), сернистый ангидрид (3 класс опасности) и аммиак (4 класс опасности) при одновременном суммарном аэрогенном пути поступления на уровне максимально-разовых предельно-допустимых концентраций и выше вызывает у волонтеров рефлекторные реакции.

2. Характер комбинированного действия исследуемой смеси веществ проявляется по типу «суммации».

3. При совместном поступлении в атмосферный воздух ацетата свинца, формальдегида, сернистого ангидрида и аммиака, содержание каждого вещества не должно превышать 0,25 ПДК его в атмосферном воздухе при изолированном действии.

Литература

1. Алексеева М.В. Определение атмосферных загрязнений. – М., 1963. – 253 с.
2. Андреещева Н.Г., Пинигин М.А. Обоснование максимально разовых ПДК атмосферных загрязнений по их вероятностным порогам запаха, классам опасности и коэффициентам запаса // Гигиенические аспекты охраны окружающей среды // Сб. науч. трудов. – М.: Красный воин, 1978. – Вып. 6. – С. 75-76.
3. Временные методические указания по обоснованию предельно допустимых концентраций (ПДК) загрязняющих веществ в атмосферном воздухе населенных мест. – М., 1989. – 64 с.
4. Искандарова Ш.Т. Методические указания по обоснованию предельно допустимых концентраций (ПДК) загрязняющих веществ в атмосферном воздухе населенных мест. – Ташкент, 1995. – 63 с.
5. Мухамадиев Р.А., Исмагилов Ш.М. Ответная реакция верхних дыхательных путей на воздействие загрязняющих веществ атмосферного воздуха // Вестн. оториноларингол. – 2015. – №4. – С. 14-17.
6. Национальный доклад о состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. – Ташкент, 2008. – С.15-24.
7. Национальный доклад о состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. – Ташкент, 2013.
8. Тепикина Л.А., Шербаков Б.Д. Гигиенические аспекты охраны окружающей среды. – М.,1976. – Вып. 3. – С. 30-35.

ИЗУЧЕНИЕ В ЭКСПЕРИМЕНТЕ ХАРАКТЕРА ОТВЕТНЫХ БИОЛОГИЧЕСКИХ РЕАКЦИЙ ОРГАНИЗМА ПРИ ОДНОВРЕМЕННОМ ИНГАЛЯЦИОННОМ ПОСТУПЛЕНИИ ХИМИЧЕСКИХ ВЕЩЕСТВ НА ОБОНЯТЕЛЬНЫЕ АНАЛИЗАТОРЫ ЧЕЛОВЕКА И РАЗРАБОТКА ИХ ДОПУСТИМЫХ ВЕЛИЧИН В АТМОСФЕРНОМ ВОЗДУХЕ НАСЕЛЕННЫХ МЕСТ

Мирзакаримова М.А.

Цель: *экспериментальное изучение характера рефлекторного действия смеси ацетат свинца, формальдегида, аммиака и сернистого ангидрида в различных концентрациях на организм при ингаляционном пути поступления и их нормирование в атмосферном воздухе населенных мест.* ***Материал и методы:*** *влияние исследуемой смеси веществ на обонятельный анализатор проведено на добровольцах по описанной в литературе методике. Порог запаха определяли у 26 практически здоровых людей в возрасте 18-40 лет без патологии ЛОР-органов. Контроль над постоянством концентрации вещества в нюхательном цилиндре и затравочных камерах проводили согласно общепринятой методике.* ***Результаты:*** *свинец, формальдегид, аммиак и сернистый ангидрид в концентрациях 0,0032, 0,14, 1,50 и 2,90 мг/м^3 у всех 26 волонтеров при 234 предъявлениях смеси (концентрации сумма долей от ПДК мр 19,4) вызывали ощущения запаха, раздражения слизистый оболочки, незначительную задержку дыхания, что составляет 100% положительных ответов.* ***Выводы:*** *ацетат свин-*

ца, формальдегид, сернистый ангидридид, аммиак при одновременном суммарном аэрогенном пути поступления на уровне максимально- разовых предельно-допустимых концентраций и выше вызывает рефлекторные реакции у волонтеров. Характер комбинированного действия исследуемой смеси веществ проявляется по типу «суммации». При совместном поступлении в атмосферный воздух ацетата свинца, формальдегида, сернистого ангидрида и аммиака, содержание каждого вещества не должно превышать 0,25 ПДК его в атмосферном воздухе при изолированном действии.

Ключевые слова: *экспериментальные исследование, смеси ацетата свинца, формальдегида, сернистого ангидрида, аммиака, ингаляционный путь поступления, атмосферный воздух; обонятельные анализаторы, волонтёры, гигиенические регламенты.*

УДК: 616.13-072:616.379-008.64:57.037

ЎПКА ИЧИ АРТЕРИЯЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК ТУЗИЛИШИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Миршаропов Ў.М., Машарипова Ш.С.

ХАРАКТЕРИСТИКА МОРФОЛОГИЧЕСКОГО СТРОЕНИЯ АРТЕРИЙ ЛЕГКИХ

Миршаропов У.М., Машарипова Ш.С.

CHARACTERISTIC OF THE MORPHOLOGICAL STRUCTURE OF THE LUNG ARTERIES

Mirsharopov U.M., Masharipova Sh.S.

Тошкент тиббиёт академияси

Артерии 1-го и 3-го уровня относятся к мышечно-эластическому типу, артерии 4-6-го уровня – к артериям мышечного типа. Для более тщательного исследования артерии были разделены на три группы: артерии малого, среднего и большого калибра. Результаты наших исследований показывают, что на артериях 3-й и 4-й степени развивается спиральный гладкомышечный слой. Этот слой в поперечных сечениях выглядит как отдельный подушкообразное утолщение. Располагается близко к наружной эластической мембране со стороны адвентиции.

Ключевые слова: *внутрилегочные артерии, артерии, постнатальный онтогенез.*

Arteries of the 1st and 3rd level belong to the muscular-elastic type, arteries of the 4th-6th level - to the arteries of the muscular type. For a more thorough examination, the arteries were divided into three groups: arteries of small, medium and large caliber. The results of our research show that a spiral smooth muscle layer develops on grade 3 and 4 arteries. This layer appears in cross-section as a separate pillow-like bulge. It is located close to the outer elastic membrane on the side of the adventitia.

Key words: *intrapulmonary arteries, arteries, postnatal ontogenesis.*

Одам организмидаги қон-томирларнинг ҳар хил ёшдаги таркибий функционал шаклланиш қонунияти замонавий морфология ва патоморфологиянинг долзарб вазифаларидан бўлиб ҳисобланади [1,2]. Ўпкаларда турли патологик жараёнларни ривожланиши нафас олиш аъзолари, қон-томирлар, алвеолалар, интерстиция, плевранинг зарарланиши билан кечиши мумкин. Ўпка артерияларнинг зарарланиши, кичик қон айланиш доирасидаги қон-томирлардаги ўзгаришлар кўпгина ҳамроҳ касалликлар билан кечувчи патологик бўлиб ҳисобланади. Кичик қон айланиш доирасида гемодинамикани бузилишини эрта аниқлаш бугунги кунда янаям катта қизиқиш уйғота бошлади. Маълумки, ўпкалар газ алмашинув жараёнини таъминловчи системани ўз ичига олади. Бу тизимда асосий ўринни ўпканинг ташқи артериялари ҳамда аъзо ичи артериялари ташкил қилади. Кичик қон айланиш доирасида келиб чиқадиган патологияларда артерияларнинг таркибий ўзгариши муҳим ўрин тутиши адабиётларда келтирилган [3,7,8]. Замонавий адабиётларда ўпка артерияларнинг эндотелиал қаватини турли патологияларда ўзгариши кўп учрайди [1,6]. Бу артерияларнинг коллаген, эластик толалари ва бириктирувчи тўқиманинг бошқа толаларининг ўзгариши натижасида патологик жараёнлар ривожланади [4]. Шулар билан бир қаторда қон-томирларда ёшга қараб ҳам ўзгаришлар ривожланади. Юқоридагиларни инобатга олиб ўпка аъзо ичи артерияларнинг морфологик тузилишини ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилдик.

Мақсад

Ўпка аъзо ичи артерияларнинг морфологик тузилишини ўрганишни.

Материал ва усуллар

Тажриба учун вояга етган 220-280 грамм оғирликга эга бўлган, 4-5 ойлик эркак жинсига мансуб, 60 та оқ лаборатор каламушлардан фойдаландик. Тажрибани Тошкент тиббиёт академиясининг анатомия, клиник анатомия кафедраси илмий лабораториясида бажардик. Кичик қон айланиш доирасидаги артерияларнинг морфологик тузилишини ўрганиш мақсадида, каламушлар жонсизлантирилгандан сўнг ўпка атрофидаги кўкс оралиғи аъзолари билан биргаликда ажратиб олиб, 10% ли формалин эритмасида 48 соат давомида фиксация қилинди. Сўнгра, 12 соат давомида оқар сувда ювилди ва ўсувчи спиртда сувсизлантирилгач парафин блокларига қотирилди. 10-12 мкмли гистологик препаратлар тайёрланиб гематоксилин ва эозин, Ван-Гизон ва Вейгерт усулларида бўялди. Гистологик препаратлар микроскоп остида компьютерда суръатга олинда ва Компас — 3D V8 программаси ёрдамида артерияларнинг қуйидаги ўлчамлари ўлчанди: ички ва ташқи эластик мебрананинг узунлигини кўндаланг юзаси; бу эластик мембраналар орасидаги ўрта қаватнинг кўндаланг юзаси; адвентициянинг кўндаланг кесимини юзаси. Олинган маълумотлардан фойдаланиб Керноган индексини ҳисоблаб чиқдик. Артерияларда Керноган индекси аъзони қай даражада қон билан таъминланишини кўрсатади [5]. Бу индексни аниқлаш учун қон-томирнинг ўрта қаватининг қалинлиги ва томир диаметридаги нисбат ҳисобланиб 100 га кўпайтирилади.

Ўпканинг аъзо ичи артериялари мушак эластик ва мушак типидаги артериялар бўлиб ҳисобланади. Аъзо ичи артерияларни тавсифнифлашда биз И.К. Есипова, О.Я. Кауфман (1968) ва Е.К. Уейр, Дж.Т. Ривс (1995)ларнинг маълумотларига асосландик. Юқоридаги муалифларнинг маълумотларига кўра, кичик қон айланиш доирасининг артериялари бронхларнинг тармоқланишига кўра тармоқланади. Хар бир ўпка артериясининг тармоғи хар битта

бронхга мос келиши шарт. Морфологик хусусиятини солиштириш мақсадида биз 6 та даражадаги артерияларни ўргандик. 1 ва 3 даражадаги артериялар мушак эластик типида, 4-6 даражадаги артериялар мушак типидаги ўпка аъзо ичи артериялари. Янада мукаммалроқ ўрганиш мақсадида артериялар яна учта гуруҳга ажратилди: кичик, ўрта ва катта ўлчамли артериялар. Бўлакли артериялар мушак эластик туридаги артериялар бўлиб ҳисобланади. Бу артерияларни микроскоп отида кўрганимда ички қавати эндотелий ва нозик эндотелий ости қаватидан иборат. Ўрта қаватида учта эластик мембрана бўлиб, уларнинг орасида қийшиқ бўйлама жойлашган силлиқ миоцитлар жойлашган. Ўрта қаватида коллаген толаларни кўриш мумкин. Аниқ чегарага эга бўлган ички ва ташқи эластик мембрана қавати яхши ривожланганлиги қайд этилди. Қон-томирнинг диаметри кичиклашган сайин, ўрта қаватнинг эластик мембранаси юпқалашиб борди ва ташқи эластик мембрана билан қўшилиб кетиши кузатилди (1-жадвал). Артерияларнинг ташқи адвентиция қавати бириктирувчи толалардан, асосан коллаген ва эластик толалардан ташкил топган.

Мушакли турдаги ўпка аъзо ичи артериялари асосини ўрта қаватдаги яхши ривожланган силлиқ хужайрали мушак ташкил қилади. Ўрта қаватдаги мушак толалари ўзаро ички ва ташқи эластик мембранадан тузилганлигини кўриш мумкин. Силлиқ мушак толаларидан ташқари ўрта қаватда ингичка эластик толалар учрайди. Бундай артерияларнинг ички қавати кўп қаватли эндотелиоцитлардан иборат бўлиб, бевосита ички эластик мембранага тегиб туради. Бизнинг тадқиқотларимизда, бу турдаги артерияларда субэндотелиал қават аниқланмади. Мушак типидаги ўпка артерияларининг ташқи қаватида аниқ чегара бўлмай, бронхларнинг ташқи қаватида жойлашган нозик толали бириктирувчи тўқима толалари билан қўшилиб кетганлигини кўриш мумкин. Тадқиқотларимиз натижалари кўрсатишича, 3 ва 4 даражали артерияларда қўшимча равишда спиралсимон силлиқ толали мушак қавати ривожланади (1-расм). Бу қават кўндаланг кесмаларда алоҳида ёстиқсимон бўртма сифатида намоён бўлади. Бу бўртма адвентиция томонидан ташқи эластик мембранага яқин жойлашганлигини кўриш мумкин. Унинг асосини ташкил қилувчи силлиқ мушак толалари қийшиқ айлана йўналишга эга бўлиб, бир бирига жуда зич жойлашади. Бу ёстиқчалар ўпкада мушак эластик артерияларнинг мушакли артериялар турига алмашинувида ўзига хос ўрин тутиб, кичик қон айланиш доирасида қон айланишида муҳим ўрин тутса керак.

1-расм. 3 даражали мушак эластик типидаги ўпка ичи артериясининг кўриниши. Бўялиши. Гематоксилин ва эозин. Об. 10, ок. 10. Артерия деворида ёстиқсимон бўртманинг пайдо бўлиши (ёстиқсимон бўртма стрелка билан кўрсатилган).

Ўпка

Қон-томирларнинг тармоқланишида томир девориниг тузилиши ўзгарибгина қолмасдан, унинг морфометрик ўлчамлари ҳам ўзгариши аниқланди. Ўпка артерияларининг ички ва ташқи диаметрлари ўлчами аста секин кичрайиб борди (1-жадвал). Мушак эластик типидаги артерияларнинг ўрта қавати катта ўлчамга эга эканлиги қайд этилди. Ўрта ва кичик мушак типидаги артерияларнинг ўрта қавати кичик ўлчамларга эга эканлиги кузатилди. Тадқиқотларимиз таҳлили, ўпка аъзо ичи артерияларда Керноган идексининг бир биридан сезиларли фарқ қилиши аниқланди. Бу кўрсатгич ўрта қавати нисбатан қалин бўлган катта ва кичик мушакли артерияларда каттароқ эканлиги қайд этилди. Катта диаметрга эга бўлган мушак эластик типидаги йирик артерияларда эса бу кўрсатгич кичикроқ эканлиги аниқланди.

Берилган жадвалдан кўриниб турибдики, артерияларнинг ўрта қаватини кўндаланг кесимини юзаси 1 даражадан майда мушак типидаги артерияларга қараб аста секин камайишини кўриш мумкин. Ушбу ўзгаришларга хос ўзгаришларни адвентицияда ҳам кўриш мумкин. Адвентициянинг энг катта ўлчамини йирик мушак эластик типидаги артерияларда, кичик кўрсатгич эса – майда мушак типидаги артерияларда аниқланди.

1-жадвал

Ўпка аъзо ичи артерияларининг морфометрик кўрсатгичлари, M±m

Артериянинг тури		Ташқи эластик мембрана узунлиги, мм	Ички мембрана узунлиги, мм	Ўрта қават ўлчами(мм)	Ташқи адвентиция қавати	Ички диаметри, мм^2	Керноган индекси
Мушак эластик типидаги	йирик калибрли	0,57±0,02	0,51±0,03	0,031±0,07	0,033±0,01	0,047±0,03	0,044±0,003
	ўрта калибрли	0,41±0,05	0,32±0,03	0,027±0,006	0,031±0,006	0,045±0,05	0,057±0,05
	майда калибрли	0,32±0,08	0,30±0,06	0,034±0,02	0,030±0,02	0,039±0,08	0,086±0,09
Мушак типидаги	йирик калибрли	0,26±0,03	0,17±0,09	0,035±0,07	0,019±0,07	0,032±0,07	0,032±0,006
	ўрта калибрли	0,20±0,06	0,15±0,06	0,017±0,03	0,015±0,006	0,014±0,09	0,0141±0,06
	майда калибрли	0,13±0,03	0,07±0,03	0,014±0,02	0,012±0,01	0,009±0,001	0,136±0,003

Йирик ва ўрта мушак эластик типидаги артерияларнинг адвентиция ва ўрта қавати ўлчамининг нисбати ўзаро солиштирилганда, адвентициянинг ўлчами устунлиги билан нисбат 1:1,3 ва 1:1,2 га тенг эканлиги қайд этилди (2-расм). Майда ўлчамлик мушак эластик типидаги ва мушак типидаги артерияларда, шунингдек йирик мушак типидаги артерияларда эса аксинча ўрта қаватнинг қалинлиги адвентицияга нисбатан катта эканлиги аниқланди ва нисбат 1:0,8 ва 1:0,7 га тенг бўлди. Мушак типидаги ўрта калабирдаги ўпка артерияларида бу нисбатнинг адвентиция қалинлиги устунлиги билан 1:1,3 га ўзгариши кузатилди.



2-расм. Ҳар хил типдаги артерияларнинг ўрта ва адвентиция қаватининг нисбати, мм.

Хулоса

Шундай қилиб олинган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, ўпка аъзо ичи артериялари мушак эластик ва мушак типидаги артерияларни қайд этиш мумкин. Ўпка ичи артерияларда тўлиқ шаклланган ўрта қаватнинг эластик мембранаси, ички ва нозик ташқи эластик мембрана бўлганлиги сабабли мушак эластик типидаги артериялар деб ҳисоблашимиз ўринли бўлди. Мушак эластик артерияларнинг мушакли артерияларга давом этишида адвентиция томонидан қўшимча мушак қаватнинг пайдо бўлиши аниқланди. Бу мушак қавати артерия деворини алоҳида спиралсимон толалар каби ўраб олади. Бунинг натижасида, артериянинг ўрта қаватининг ўлчами қалинлашади. Бунинг натижасида эса Керног индекси ўзгаради.

Адабиётлар

1.Бродская Т.А., Невзорова В.А., Гельцер Б.И. и др. Дисфункция эндотелия и болезни органов дыхания // Тер. арх. – 2007. – Т. 79, №3. – С. 76-84.

2.Внутриутробное развитие человека: Руководство для врачей; Под ред. А.П. Милованова, С.В. Савельева. – М.: Изд-во МДВ, 2006.

3.Лещенко И.В., Овчаренко С.И., Шмелев Е.И. Хроническая обструктивная болезнь легких: Практ. руководство для врачей; Под ред. А.Г. Чучалина. – М., 2004. – 62 с.

4.Михалева Л.М., Черняев А.Л., Самсонова М.В., Быкалова А.В. Сравнительная морфофункциональная характеристика легочных артерий при бронхиальной астме и хронической обструктивной болезни легких // Морфология. – 2004. – №4.

5.Скворцова Н.В., Коптев В.Д., Поспелова Т.И. Морфофункциональные изменения периферических артерий у больных лимфомой Ходжкина на различных этапах развития заболевания // Бюл. ВСНЦ СО РАМН. – 2011. – Т. 79, №3. – С. 109-113.

6.Трушель Н.А., Пивченко П.Г., Мельников И.А. Особенности строения стенки сосудов артериального русла большого мозга в области бифуркаций у людей различного возраста // Морфология. – 2012. – Т. 142, вып. 5. – С. 39-43.

7.Pospelova T.I. Morphofunctional changes of peripheral arteries in patients with Hodgkin's lymphoma at different stages // Bul. VSSC of the RAMS. – 2011. – Vol. 79, №3. – P. 109-113.

8.Rossi M. et al. Blunted post-ischemic increase of theendothelial skin blood fl owmotion component as early sign of endothelial dysfunction in chronic kidney disease patients // Microvasc. Res. – 2008. – Vol. 75, №3. – P. 315-322.

ЎПКА ИЧИ АРТЕРИЯЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК ТУЗИЛИШИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Миршаропов Ў.М., Машарипова Ш.С.

1 ва 3 даражадаги артериялар мушак эластик типида, 4-6 даражадаги артериялар мушак типидаги артериялар. Янада мукаммалроқ ўрганиш учун артериялар яна учта гуруҳга ажратилди: кичик, ўрта ва катта ўлчамли артериялар. Тадқиқотларимиз натижалари кўрсатишича, 3 ва 4 даражали артерияларда қўшимча равишда спиралсимон силлиқ толали мушак қавати ривожланади. Бу қават кўндаланг кесмаларда алоҳида ёстиқсимон бўртма сифатида намоён бўлади. Адвентиция томонидан ташқи эластик мембранага яқин жойлашади. Унинг асосини ташкил қилувчи силлиқ мушак толалари қийшиқ айлана йўналишга эга бўлиб, бир бирига жуда зич жойлашади.

Калит сўзлар: *ўпка ичи артериялари, артериялар, постнатал онтогенез.*

УДК: 616.33/342-002.44-089.168.1-06-018.4]-059

КАЛАМУШЛАРДА ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ОСТЕОПОРОЗДАН КЕЙИН СУЯК ТЎҚИМАСИНИНГ МОРФОФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИ

Оллаберганов М.И., Рузибаев Р.Ю.

МОРФОФУНКЦИОНАЛЬНОЕ СОСТОЯНИЕ КОСТНОЙ ТКАНИ ПОСЛЕ ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОГО ОСТЕОПОРОЗА У КРЫС

Оллаберганов М.И., Рузибаев Р.Ю.

MORPHOFUNCTIONAL STATE OF BONE TISSUE AFTER EXPERIMENTAL OSTEOPOROSIS IN RATS

Ollaberganov M.I., Ruzibaev R.Yu.

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали

В эксперименте на беспородных крысах-самцах проведена резекция желудка по методу Бильрот II с целью изучения ее влияния на состояние костной ткани. Гистоморфологически изучены стенка желудка и бедренная кость. Удаление определенной части желудка у экспериментальных животных по Бильрот II привело к значительным морфологическим нарушениям её стенки, а также изменениям остеоморфометрических показателей и архитектоники бедренной кости.

Ключевые слова: *экспериментальный остеопороз, резекция желудка, костная ткань, морфометрия.*

In an experiment on outbred male rats, a stomach resection was performed according to the Billroth-II method in order to study its effect on the state of bone tissue. Histomorphologically studied - the wall of the stomach and femur. Removal of a certain part of the stomach in experimental animals in the form of a Billroth II resection led to a significant morphological change in its wall, osteomorphometric parameters, and femur architectonics.

Key words: *experimental osteoporosis, gastrectomy, bone tissue, morphometry.*

Патологик жараёнларни эксперимент моделлаштириш ҳар хил касалликларнинг ривожланиш механизмини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга [2,12]. Ҳозирги кунда тажриба ҳайвонларида (приматлар, итлар, чўчқалар, сичқонлар, каламушлар) эксперимент остеопороз ҳар хил усулларда индукция қилинади: овариоэктомия қилиш [8], кастрация қилиш [9], гипокинезия ва гиподинамия [1,15], иммобилизация қилиш, организмга юқори концентрацияда тиреоидин, ПТГ, глюкокортикоид ва бошқа гормонларни киритиш [3,12]. Бизнинг тадқиқотимизда ошқозонни Бильрот - II усулида резекция қилиш усулига тақлид қилган ҳолда ошқозоннинг маълум қисмини олиб ташлаш орқали эксперимент остеопороз ҳолати яратилди.

Меъда-ичак йўли (МИЙ) ёшга доир суяк тўқимасининг таркибий қисмларини ташкил этишда иштирок этувчи минералларнинг метаболизмида иштирок этувчи тизимнинг бир қисмини ҳисобланади [5]. МИЙ касалликларида минерал моддалар ва витаминларнинг (шу жумладан кальций ва D витамини) сўрилиши бузилади. Бу эса суяк тўқимасидаги кальций миқдорининг ва суяк тўқимасини минерал зичлигининг (СТМЗ) камайишига – остеопорозга олиб келади [7].

Шифохоналарда ўтказилган ошқозон резекциясидан кейин кўпчилик беморларда овқат ҳазм қилиш жараёнининг жиддий бузилишлари, тана вазнининг камайиши [2] ва бир қатор касалликларнинг оғир клиник кўринишлари пайдо бўлиши кузатилади [10].

Ошқозонда ўтказилган операциялардан кейин унинг бутунлигини сақлаб қолиш овқат ҳазм қилишнинг табиий физиологик жараёнлари сақланиб қолишини таъминлайди. Амалий тиббиётда ошқозонда ўтказилган ҳар хил операцияларнинг суяк тўқимасига таъсири тўғрисида бир-бирига зид бўлган кўплаб мақолалар мавжуд.

Шунинг учун биз тадқиқотимизнинг мақсадини тажриба каламушларида ошқозонни Бильрот-II усулида резекция қилишдан кейинги эксперимент остеопорозда суяк тўқимасининг морфофункционал ҳолатини ўрганиш қилиб белгиладик.

Материал ва усуллар

Тажрибани ўтказиш учун вазни 170-200 г бўлган 27 та оддий оқ эркак каламушлар танланди. Биринчи назорат гуруҳига 12 та каламуш ажратилди. Иккинчи тажриба гуруҳига 15 та каламуш ажратилди ва уларнинг ошқозони Бильрот-II усулида резекция қилинди (расм). Барча гуруҳлардаги каламушлар виварийда оддий шароитда бир хил овқат рациони билан парвариш қилинди. Тажрибани бошлашдан олдин барча гуруҳдаги каламушларнинг вазни 7, 30, 60, ва 90 кунлари ўлчаб борилди. Тажрибанинг 90 – куни “эксперимент ҳайвонлар устида ишлаш қоидалари” бўйича ингаляцион эфир наркози орқали ҳайвонлар декапитация қилинди. Уларнинг сон суяги юмшоқ тўқималардан тозаланди ва ВРЛ-200 аналитик тарозиси ёрдамида оғирлиги ва 0,05 мм аниқликдаги штангенциркул ёрдамида остеометрик кўрсаткичлари ўлчанди. Ошқозон девори ва сон суягидан гистологик препарат таёрлаш қоидалари бўйича бўлаклар ажратилди. Юмшоқ тўқималардан 2-3 мкм, суяк тўқималаридан 7-10 мкм қалинликда кесмалар тайёрланди ва гематоксилин ва эозин билан Ван-Гизон усулида бўялди.

Олинган натижалар Microsoft Excel XP дастури орқали таҳлил этилди ва ўртача арифметик қиймат (M) ҳамда ҳатолик (m) ҳисоблаб чиқилди.

Расм. Бильрот-II усулида резекция қилинганидан 3 ойдан кейин ошқозоннинг макропрепарати.

Жадвал

Тажриба давомидаги каламушларнинг тирик вазни (г), M±m

Каламушларнинг вазни ўлчанган муддат	Гуруҳ	
	назорат, n=12	Бильрот-II, n=15
ТБО	191,38±1,55	187,06±1,77
7 кун	200,27±1,69	191,13±1,83*
30 кун	228,44±1,82	204,73±2,11**
60 кун	240,55±1,80	219,80±2,12**
90 кун	258,00±1,93	232,00±2,07**

Изоҳ. Назорат гуруҳининг ишончлилиги * – p<0,05; ** – p<0,001.

Тиббиётда шифохоналарда одамларда ўтказилган ошқозон резекциясидан кейин кўпинча овқат ҳазм қилиш жараёнининг бузилиши оқибатида тана вазнининг камайиб кетишига [2] ва айрим касалликларнинг оғир кечишига олиб келган [7].

Операция қилинган каламушларнинг ошқозон деворида атрофик ўзгаришлар аниқланди. Бу ўзгаришлар морфометрик ўзгаришларда ўз исботини топди. Интакт ва тажриба ўтказилган каламушларнинг ошқозон деворини қалинлиги мос равишда қуйидагича кўрсаткичларга эга бўлди: шиллиқ қавати – 610,30±8,70 ва 500,40±6,30 (18% га камайган); шиллиқ ости қавати – 78,50±1,80 ва 71,50±1,20 (8,9%); мушак қавати – 627,90±8,70 ва 530,40±7,20 (15,5%), сероз қавати – 23,40±0,66 ва 21,20±0,51 (9,4%) мкм. Ушбу маълумотларга асосан операция қилинган каламушларнинг барча кўрсаткичлари назорат гуруҳидагиларга нисбатан сезиларли даражада камайиши кузатилди (p<0,001).

Ошқозонни Бильрот-II усулида резекция қилиш гастродуоденал соҳанинг анатомик жиҳатдан ўзгаришига олиб келади [16]. Бундай ўзгариш одамларда кўпинча қуйидаги асоратларга: демпинг-синдромига; кальций тузларининг парчаланиши учун зарур бўлган пепсин ва хлорид кислотанинг етишмовчилигига; овқатни ошқозондан тез ўтиб кетиши оқибатида мальабсорбцияга, яъни кальций ва D витаминининг сўрилиши бузилишига олиб келади. Натижада вақт ўтиши билан суяк тўқимасининг минералсизланиши, остеопения ва остеопороз келиб чиқади [4]. Гастрэктомиядан кейин кальций ва D витаминининг доимий етишмовчилиги суяк тўқимасининг массаси камайишига олиб келиши мумкин [13,14].

Остеопороз оқибатида жароҳатлардан кейин келиб чиқиши мумкин бўлган муаммолардан бири сон суягида кузатилади. Шунинг учун тажрибадаги каламушларнинг иккита гуруҳида ҳам сон суягининг морфометрик кўрсаткичлари ўрганилди ва мос равишда қуйидаги маълумотлар олинди: суякнинг оғирлиги – 563,83±4,22 ва 506,95±4,53 мг; суякнинг узунлиги – 35,98±0,26 ва 32,38±0,28; проксимал эпифиз қисмининг кенглиги – 7,55±0,05 ва 6,78±0,06; дистал эпифиз қисмининг кенглиги – 6,48±0,04 ва 5,84±0,05; диафиз қисмининг кенглиги – 3,64±0,02 ва 3,27±0,02; диафиз қисмининг олдинги-орқа ўлчами – 3,54±0,02 ва 3,18±0,02 мм. Операция қилинган каламушларнинг барча кўрсаткичлари назорат гуруҳидагиларга нисбатан сезиларли даражада камайиши кузатилди (p<0,001).

Шунингдек, операция қилинган ва назорат гуруҳидаги каламушларнинг сон суягини метафиз қисмининг морфометрик кўрсаткичлари ҳам ўрганилди. Бунда сон суяги метафизининг бирламчи спонгиоз зичлигини ҳажми: 46,8±1,2 ва 38,1±1,2 (18,6% га камайган); иккиламчи спонгиозлар – 30,3±0,9 ва 17,50±0,51 (42,5%) га тенг бўлди; остеобластларнинг нисбий ҳажми – 28,80±0,81 ва 16,70±0,48 (42%) га тенг бўлди; остеокластлар ҳажми – 2,10±0,06 ва 3,70±0,12 (76,2% га кўпайган) га тенг бўлди. Шуни қайд этиш лозимки, назорат ва тажриба гуруҳидаги каламушларнинг сон суягини метафиз қисмининг бирламчи спонгиозларини трабекулаларининг узунлиги мос равишда: 453,60±6,0 ва 306,50±10,2 (32,4%), пластинкасининг қалинлиги 206,50±6,06 ва 187,20±6,30 мкм (9,3%) га тенг бўлди. Берилган рақамли қийматлар статистик жиҳатдан бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилган (p<0,001).

Хулоса

Шундай қилиб, тажриба ҳайвонларининг ошқозонини Бильрот-II усули билан резекция қилгандан кейин овқат ҳазм қилиш жараёнининг бузилиши кузатилди. Бу тана вазнининг камайиши ва ошқозон деворидаги гистоморфологик ўзгаришлар билан намоён бўлди. Биз ўтказган тажрибамиз асосида олган маълумотларимиз ва уларни бир қатор клиник адабиётлардаги маълумотлар билан таққослаш натижасида ошқозонни Бильрот-II усулида резекция қилиниши бир қатор ўзгаришларни келтириб чиқариши оқибатида тажриба ҳайвонларида суяк тўқимасининг тузилишини морфофункционал ўзгаришларига, яъни сон суякларининг остеоморфометрик кўрсаткичларнинг ва архитектоникасининг ўзгаришларига олиб келади деган хулосага келдик.

Адабиётлар

Кровь для исследования получали из верхушки сердца подопытных крыс путем кардиотомии перед декапитацией. Сыворотку выделяли путем центрифугирования крови в течение 15 минут при 3000 об / мин, после чего охлаждали. Содержание ОБ, ТГ, общего белка, креатинина ЛФ, АЛТ, АСТ, ТК, ТБК-АП, активность СОД и каталазы в каждой подопытной группе определяли общепринятыми методами [8,9] в межкафедральной научно-клинической лаборатории Тернопольского национального медицинского университета им. И.Я. Горбачевского МЗ Украины с помощью реактивов ООО НПП «Филисит-Диагностика» (Днепр).

Статистическую обработку материала проводили с использованием пакета программ Microsoft Excel (Microsoft Office 2007). Определяли следующие показатели: среднее арифметическое (M), среднее квадратическое отклонение (σ) и ошибку среднего арифметического (m). Статистическую значимость различий между средними арифметическими и относительными величинами оценивали по критерию Манна – Уитни. При сравнении однотипных групп проводили корреляционный анализ с учетом коэффициента корреляции (r) с помощью метода квадратов Пирсона.

Результаты исследования

На первом этапе эксперимента во всех группах был проведен сравнительный анализ уровня общего белка, ТГ, креатинина, холестерина, ОБ, АлАТ, АсАТ и ЩФ (табл. 1).

Таблица 1

Биохимические показатели сыворотки крови белых крыс в разные периоды после снятия артериального турникета, M±m

Показатель	Контроль	1-я группа, 1 ч	2-я группа, 2 ч	3-я группа, 1 сут	4-я группа, 7 сут	5-я группа, 14 сут
Общий белок, г/л	68,77±5,82	61,15±2,83	63,12±1,40	58,90±2,10	61,77±2,15	60,75±2,76
ТГ, ммоль/л	0,63±0,08	0,61±0,05	0,53±0,03	0,52±0,04	1,00±0,21	0,72±0,08
Креатинин, мкмоль/л	53,58±1,51	49,45±1,60	45,53±1,48[а]	55,78±3,71	49,45±1,54	49,92±0,89
Холестерин, ммоль/л	1,56±0,10	1,37±0,10	1,47±0,18	1,77±0,11	1,39±0,13	1,38±0,07
ОБ, мкмоль/л	3,02±0,26	5,03±0,64[а]	6,20±0,31[в]	3,86±0,31[г]	3,69±0,42	4,19±0,40
АЛТ, ед/л	61,40±4,05	65,1±7,22	82,08±7,93[а]	116,35±8,33[в]	57,75±2,84[г]	60,92±3,14
АСТ, ед/л	354,1±57,7	563,83±58,30	632,9±73,00[в]	598,78±55,10	311,60±18,48[б]	367,5±63,46
ЩФ, ед/л	411,8±74,9	425,1±133,3	405,3±54,5	528,05±39,1	600,4±62,5	488,5±18,1

Примечание. p<0,05: а – по сравнению с контролем, б – по сравнению с предыдущей группой; p<0,005: в по сравнению с контролем, г – по сравнению с предыдущей группой.

Выявлено статистически значимое увеличение концентрации ОБ в группах крыс с реперфузией через 1 и 2 часа соответственно на 66,56 и 105,3% (p<0,005). В 3-й группе с реперфузией через 1 сутки содержание ОБ уменьшилось по сравнению с предыдущей группой на 37,74% (p<0,005) и превышало показатель контрольной группы на 27,81% (p>0,05). У животных в позднем реперфузионном периоде через 7 и 14 суток после снятия турникета уровень ОБ значимо не отличался от контроля.

Активность АЛТ учеличивалась у животных первых трех групп. Через 2 часа реперфузии возрастание составило 33,68% по сравнению с контролем (p<0,05), а через 1 сутки оно было максимальным и превышало контрольный показатель на 89,5% (p<0,05). Через 7 суток показатель ОБ снизился в сравнении с предыдущей группой на 50,37% (p<0,005), а через 14 суток реперфузии возвратился к контрольному уровню.

В раннем реперфузионном периоде у животных трех групп зафиксировано возрастание активности АСТ. Так, во 2-й группе показатель достиг своего максимума, превышая контрольные показатели на 78,73% (p<0,005). В 3-й группе (реперфузия через 1 сутки) уровень АСТ оста-

вался высоким, лишь на 5,39% уступая таковому в предыдущей группе. У животных с моделью позднего реперфузионного периода изучаемый показатель снизился, приблизившись к контролю. Через 7 суток реперфузии уровень АСТ был на 47,96% контрольного ($p<0,005$), а в последней группе практически не отличался от контроля.

У крыс с реперфузией через 2 часа выявлено значимое ($p<0,05$) уменьшение концентрации креатинина на 15,02% в сравнении с контролем. Однако в дальнейшем указанный показатель возрос и достоверно не отличался от показателя интактной группы ($p>0,05$).

Показатель активности ЩФ через 1 сутки эксперимента возрастал на 28,2%, через 7 суток – на 45,78%, однако выявленные отличия не оказались статистически значимыми ($p>0,05$).

Колебания содержания общего белка, холестерина и ТГ в сыворотке крови у животных всех групп не были статистически значимыми ($p>0,05$).

Одновременно с определением биохимических маркеров осуществлялось определение содержания продуктов ПОЛ и АОЗ в сыворотке крови белых крыс (табл. 2). Так, через 1 час реперфузии отмечалось статистически значимое увеличение содержания ДК на 47,17% ($p<0,05$) (рис. 1). Максимального значения показатель ДК достигал в 3-й группе (реперфузия через 1 сут) и был на 66,04% выше показателя контрольной группы ($p>0,05$). Через 7 суток эксперимента уровень ДК уменьшился, а через 14 суток их показатель превышал контроль всего на 16,04% ($p>0,05$).

Таблица 2

Показатели ПОЛ и АОЗ в сыворотке крови крыс в разные периоды ишемии-реперфузии, M±m

Сроки реперфузии	ДК, усл. ед./мл	ТК, усл. ед./мл	ТБК-активные продукты, мкмоль/л	Супероксид-дисмутаза, усл.ед.	Каталаза, кат/л
Контрольная группа	0,42±0,11	0,28±0,04	2,98±0,27	54,84±3,92	32,44±1,83
1 ч	0,62±0,13[а]	1,33±0,37	3,21±0,23[а]	54,52±4,61	32,72±1,86
2 ч	0,53±0,06	2,54±0,23[а]	4,34±0,40[аб]	64,72±4,54[а]	51,60±1,08[ав]
1 сут	0,70±0,11	1,36±0,12[аб]	4,93±0,22а	72,08±1,70[а]	50,64±1,68[а]
7 сут	0,53±0,16	0,35±0,10[в]	3,93±0,30[аб]	59,96±2,92[аб]	40,22±1,04[аб]
14 сут	0,49±0,10	0,51±0,15	3,41±0,24	54,92±2,79[б]	33,46±2,05

Примечание. p<0,05: а – по сравнению с контролем, б – по сравнению с предыдущей группой; p<0,005: в – по сравнению с предыдущей группой.

Экспериментально зафиксировано значительное статистически значимое увеличение по сравнению с контролем содержания ТК в сыворотке крови у крыс 1-й группы в 3,82 раза ($p<0,05$) и в 8,22 раза – у животных 2-й группы ($p<0,0005$) с последующим уменьшением содержания в последних трех группах.

При определении ТБК-АП в сыворотке крови крыс отмечался статистически значимый рост их концентрации почти во всех экспериментальных группах. Через 1 сутки указанный показатель достиг своего максимального значения и превышал показатель группы контроля на 65,79% ($p<0,005$). Минимального значения показатель ТБК-АП достигал на конец 14 суток ИРС, хотя и оставался на 14,52% выше контроля ($p>0,05$).

При анализе содержания в сыворотке крови ферментов АОЗ отмечалось возрастание в раннем постишемическом периоде активности СОД (рис. 2). Максимального уровня этот показатель СОД достигал в 3-й группе (реперфузия длительностью 1 сут) и был на 31,44% выше аналогичного показателя группы контроля ($p<0,05$).

Максимальный рост каталазной активности наблюдался у животных 2-й группы (реперфузия через 2 ч), составляя 59,06% ($p<0,0005$). У животных с реперфузией через 1 сутки показатель оставался почти на том же уровне (был на 56,10% выше контроля ($p<0,005$). А на конец 14-х суток активность каталазы снижалась до контрольных значений.



Рис. 1. Показатели ПОЛ (ДК, ТК и ТБК-АП) в сыворотке крови в различные периоды реперфузии (в процентах по сравнению с контролем).



Рис. 2. Показатели АОЗ (СОД и каталаза) в сыворотке крови крыс в разные периоды реперфузии (в процентах по сравнению с контролем).

При корреляционном анализе между показателями ПОЛ и АОЗ в сыворотке крови исследуемых животных выявлена прямая корреляционная связь между всеми изучаемыми показателями. Причем между ТК и каталазой (+0,94), ТБК-АП и СОД (+0,99), ТБК-АП и каталазой (+0,94) и СОД и каталазой (+0,92) эта связь была сильной, между ДК и ТБК-АП (+0,5), ДК и СОД (+0,6), ДК и каталазой (+0,34), ТК и ТБК-АП (0,4) и ТК и СОД (+0,43) она была средней силы, а между ДК и ТК (+0,21) – слабой.

Выводы

1. Статистически значимое увеличение содержания общего билирубина через 1 и 2 часа реперфузии соответственно на 66,54 и 105,41% указывает на развитие гемолиза эритроцитов вследствие повреждения их цитоплазматических мембран активными формами кислорода и продуктами ПОЛ. Возрастание активности АЛТ и АСТ с пиком через 2 часа и 1 сутки реперфузии свидетельствует о ишемическом поражении значительного объема мышечной ткани, а также на системное поражение внутренних органов (прежде всего печени). С поражением печени может быть связана и тенденция к возрастанию активности ЩФ, поскольку это возрастание не оказалось статистически значимым. Снижение содержания креатинина у животных с реперфузией через 2 часа на 15,02% может свидельствовать о задержке выделения креатинина в кровь в связи с нарушением кровоснабжения значительного объема мышечной ткани.

2. Динамика изменений показателей ПОЛ в сыворотке крови подтверждает развитие в подопытных крыс ИРС. Максимальное увеличение содержания ТК через 2 часа реперфузии в 8,2 раза и рост через 1 сутки реперфузии содержания ДК и ТБК-АП (соответственно на 65,79 и 66,04%) в сравнении с контролем свидетельствует о выраженной активации ПОЛ в раннем реперфузионном периоде. Снижение показателей ПОЛ в сыворотке крови крыс через 7 и 14 суток реперфузии указывает на восстановление нарушений в мягких тканях конечностей в позднем реперфузионном периоде. Положительная корреляция между всеми тремя исследуемыми показателями ПОЛ указывает на общность динамики изменений данных показателей.

3. При изучении АОЗ в сыворотке крови отмечен рост активности (до 60) СОД и каталазы в раннем реперфузионном периоде через 2 часа и 1 сутки реперфузии с последующим снижением активности этих ферментов в позднем реперфузионном периоде через 7 суток и возвращением к уровню контрольных значений через 14 суток после снятия турникета. Обнаруженная нами прямая сильная корреляционная связь между показателями СОД и каталазы (+0,92) в сыворотке крови свидетельствует о синхронной динамике указаных ферментов.

Литература

1.Drew B., Bennett B., Littlejohn L. Application of Current Hemorrhage Control Techniques for Backcountry Care: Part One, Tourniquets and Hemorrhage Control Adjuncts // Wilderness and Envir Med. – 2015. – Vol. 26. – P. 236-245.

2.Fitzgibbons P.G., Digiovanni C., Hares S. et al. Safe tourniquet use: a review of the evidence // J. Amer. Acad. Orthop. Surg. – 2012. – Vol. 20. – P. 310-319.

3.Grebenchikov O.A., Dihvancev V.V., Plotnikov E.Yu. et al. Molecular mechanisms of development and address therapy of ischemia-reperfusion syndrome // Actual questions of anesthesiology and reanimatology. – 2014. – №3. – P. 59-67.

4.Griniov M.V., Bromberg B.B. Ischemia-reperfusion is a universal mechanism of the pathogenesis of critical conditions in emergency surgery // J. Surg. named after I.I. Grekov. – 2012. – Vol. 171, №4. – P. 94-100.

5.Gubka V.O., Konovalenko I.A., Suzdalenko I.A., Suzdalenko O.V. Results of treatment of patients with acute arterial limb ischemia // Patology. – 2015. – №2 (34). – P. 55-58.

6.Henyk S.M., Symchych A.V. Reperfusion syndrome after revascularization of the ischemic lower limbs // Heart and Vessels. – 2016. – №3. – P. 104-108.

7.Horobec N.M. New strategic approaches to correction of endothelial dysfunction // Medicine of Ukraine. – 2015. – №2. – P. 20-24.

8.Korobeinikova E. N. Modification of the definition of LPO products in reaction with thiobarbituric acid // Lab. work. – 1989. – №7. – P. 8-10.

9.Korolyuk M.A., Ivanova L.I., Mayorova I.G. et al. Method for determination of catalase activity // Lab. work. – 1988. – №1. – P. 16-18.

10.Pokrovskiy A.V., Bokeriya L.A. National guidelines for the management of patients with diseases of the lower limb arteries. – M., 2013. – 67 p.

ДИНАМИКА БИОХИМИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ В СЫВОРОТКЕ КРОВИ КРЫС ПРИ ОСТРОЙ ИШЕМИИ-РЕПЕРФУЗИИ

Телевяк А.Т., Боймиструк И.И., Сельский П.Р., Ющак М.В., Герман О.М., Сельский Б.П., Бурий В.В.

Цель: *изучение динамики биохимических маркеров, показателей перекисного окисления липидов и антиоксидантной защиты в сыворотке крови крыс при острой ишемии, вызванной наложением на задние конечности артериального турникета.* ***Материал и методы:*** *содержание общего билирубина, триглицеридов, холестерина, креатинина, общего белка, щелочной фосфатазы и трансаминаз (АЛТ, АСТ), а также диеновых и триеновых конъюгат, ТБК-активных продуктов, супероксиддисмутазы и каталазы определяли в сыворотке крови 35 белых крыс в условиях экспериментальной острой ишемии-реперфузии.* ***Результаты:*** *наблюдался рост активности трансаминаз, щелочной фосфатазы и общего билирубина в раннем реперфузионном периоде. В частности, уровень АЛТ достигал максимума через 1 сутки и на 89,5% превышал показатель группы контроля, а показатель АСТ был наивысшим у животных с реперфузией через 2 часа. Активность ферментов антиоксидантной защиты сыворотки крови крыс нарастала при реперфузи через 2 часа и 1 сутки. Через 7 суток активность супероксиддисмутазы и каталазы существенно снижалась и через 14 суток достигала уровня контроля.* ***Выводы:*** *прямая сильная корреляционная связь между показателями СОД и каталазы (+0,92) в сыворотке крови свидетельствует о синхронной динамике указаных ферментов.*

Ключевые слова: *острая ишемия, ишемически-реперфузионный синдром, биохимические показатели крови, перекисное окисление липидов, антиоксидантная защита.*

УДК: 612.014.4:577.4

ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА УНИНГ ЁШЛАР ОРАСИДА СОҒЛОМ ҲАЁТ ТАРЗИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ

Абдуллаев И.К.

ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ПРОСВЕЩЕНИЕ И ЕГО РОЛЬ В ФОРМИРОВАНИИ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ СРЕДИ МОЛОДЕЖИ

Абдуллаев И.К.

ENVIRONMENTAL EDUCATION AND ITS ROLE IN SHAPING A HEALTHY LIFESTYLE AMONG YOUNG PEOPLE

Abdullaev I.K.

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали

Экологическое образование и воспитание молодежи – один из самых актуальных вопросов государственной политики в нашей стране сегодня. Экологическое образование является частью общего образования, и необходимость его непрерывного осуществления в социальных институтах на всех этапах жизни человека является требованием времени. Есть несколько направлений экологического образования – научная, экономическая, политическая, техническая, медико-гигиеническая, юридическая, эстетическая, педагогическая и другие области экологии. Важнейшим из этих направлений является педагогическое. Экологическое образование начинается с семьи и продолжается в ряде социальных институтов, дошкольных учреждениях, школах, академических лицеях, университетах, трудовых коллективах на более поздних этапах жизни ребенка. Экологическое образование – это система знаний, которая представляет собой отношения между природой и человеком, которые должны быть переданы учащимся.

Ключевые слова: *экология, образование, молодежь, образ жизни, социальное, здоровье, баланс, медико-гигиенический, семья, фактор, здоровье.*

Environmental education and upbringing of young people is one of the most pressing issues of state policy in our country today. Environmental education is a part of general education, and the need for its continuous implementation in social institutions at all stages of a person's life is a requirement of the time. There are several areas of environmental education. These are scientific, economic, political, technical, medical and hygienic, legal, aesthetic, pedagogical and other areas of ecology. In particular, the most important of these areas is the pedagogical direction. Environmental education, like other education, begins with the family and continues in a number of social institutions, preschool institutions, schools, academic lyceums, universities, labor collectives at later stages of a child's life. Environmental education is a knowledge system that represents the relationship between nature and man that must be passed on to learners. The main goal of the study is to substantiate the theoretical and practical aspects of environmental education and upbringing of young people.

Key words: *ecology, education, youth, lifestyle, social, health, balance, medical and hygienic, family, factor, health.*

Муаммонинг долзарблиги шундаки, экология кейинги даврларда кўплаб мамлакатларда катта глобал масалага айланган, маълум бир худудда яшаётган аҳолининг ҳаёт тарзига ва саломатлигига бевосита таъсир қилувчи ижтимоий-гигиеник, табиий-географик омиллардан бири сифатида саналади. Инсон ҳаётга биологик мавжудот бўлиб келади ва ижтимоий-биологик мавжудот бўлиб шаклланади. У табиатнинг ажралмас бир бўлаги сифатида умрининг охиригача табиат билан бевосита муносабатда бўлади ва унинг саломатлиги ҳам шу ўзи яшаб турган худуднинг табиати билан мувозанатда бўлгандагина, улар бир-бирларига салбий таъсир этмайди. Айниқса, кейинги 30-35 йил ичида дунёнинг у ёки бу бурчагида экологик вазиятнинг издан чиққанлиги тўғрисидаги хабарлар аммовий ахборот воситаларида тез-тез кўзга ташланадиган бўлиб, бу жараён бизнинг мамлакатимизни ҳам чеклаб ўтмади. Орол денгизининг қуриши, ундаги сувнинг кескин даражада камайиб кетиши натижасида, унинг атрофидаги худудларда нисбатан ёмон экологик вазият юзага келди. Амалга оширилган барча тадбирлар бесамара кетди. Кейинги икки-уч йил давомида кучли шамол билан Орол денгизи ўрнида пайдо бўлган қумликлардан кўтарилиб келаётган тузли чанглар ёққол кўзга кўринадиган даражада юз бераётгани фикримиз исботи бўла олади [1]. Барча жиҳатлари бекамикўст экологик вазиятга эга бўлган давлатлар бордир, аммо, охирги юз йилликда илм фаннинг кескин ривожланиши, юксак интеллектуал салоҳият маҳсули натижаси ёки табиат инъомлари ва ундаги мавжуд ресурслардан нооқилона фойданланишлар сабаб, ер қуррасининг айрим худудлари ҳатто одамзод яшаши учун ҳам ёроқсиз ҳолга келиб қолгани бугун ачинарли ҳол.

Мақсад

Тадқиқотнинг асосий мақсади ёшлар орасида экологик таълим ва тарбиянинг назарий ва амалий жиҳатларини асослашдан иборат.

Материал ва усуллар

Муаммони ўрганишда ва уни тахлил қилишда асосан тавсифлаш усулидан (описательный метод)

кенг фойдаланилди. Ҳар қандай турдаги касалликни даволагандан кўра унинг олдини олиш қанчалик осон ва арзон бўлса, экологик нохотиржам вазиятнинг ҳам олдини олиш худди шундай. Экологик мувозанат издан чиққандан кейин уни ўз ўрнига қайтариш аслида жуда мушкул, баъзида эса амалга ошириб бўлмайдиган иш. Савол туғилади, бундан юз, икки юз йиллар илгари нима учун экологик вазиятнинг бузилиши тўғрисида муаммолар ҳозиргидек юзага келмаган? Ҳа, даврлар ўтиши билан, одамларнинг фикрлашлари, дунёқарашлари, шунингдек атроф-муҳитга таъсир қилиш механизмлар ҳам ўзгариб боради. Ҳаттоки, бугунги одамларнинг маиший турмуш фаолияти натижасида ҳосил бўлаётган чиқиндиларнинг таркиби ҳам бундан 30-40 йил илгариги атроф-муҳитга ташланаётган маиший чиқиндилардан фарқ қилади, уларнинг табиатга салбий таъсирлари ҳам бошқача. Аниқроғи, улар тезда тупроққа қўшилиб зарарсиз ҳолатга ҳам келиши узоқ давом этади, баъзида эса тупроқнинг, сувнинг, ҳавонинг таркибини бузиб, бошқа бир заҳарли моддаларга айланади. Кейинги пайтларда оддийгина ахлат сифатида ташланаётган ҳар хил пластмасса идишлар, селафан халталар, баклашка идишлари, кимёвий ва биологик ва физик чиқиндилар кун сайин ошиб бориши ҳам бизни хавотирга солмоқда. Маълумотларга қараганда бугун ер қуррасида ҳар бир одамдан кунига ўртача 2 кг атрофида қаттиқ чиқинди чиқаркан. Ўртача ҳар куни ер бағрига 11-12 млрд кг қаттиқ чиқинди ташланишини ҳисобга олсак, агар ушбу чиқиндиларни ўз вақтида зарарсизлантирилмаса, қайта ишлаш корхоналари ишга тушурилмаса, ер қуррасида қандай экологик вазият биттагина маиший чиқиндиларнинг натижасида юзага келишини кўз олдимизга келтириш унчалик қийин эмас. Ҳали биз транспорт воситаларидан, завод-фабрикалардан, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсидан табиатга чиқаётган минглаб тонна чиқиндилар тўғрисида гапираётганимз йўқ. Хўш, одатдагидек анъанавий савол туғилади, юзага келаётган муаммони қандай ҳал қилиш мумкин? Жавоб битта, одамлар орасида, айниқса ёшлар ичида экологик тарбия ва унинг йўналишларини, жараённинг мазмун ва моҳиятини, инсонлар саломатлигини сақлаш ҳамда асрашда, мустахкамлашда унинг аҳамиятини мунтазам ва режали тушунтиришдир. “Экология” – юнонча сўздан олинган бўлиб, тирик мавжудотларнинг яшаш шароити ва теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро муносабатлар асосида юзага келадиган қонуниятларни ўрганадиган фандир. Экология атамасини 1866 йилда немис зоолог олими Эрнест Геккел фанга киритган. Барча турдаги тарбиялар сингари экологик тарбия ҳам оиладан бошланади. Болага экологик тарбия беришда биринчи навбатда экология ўзи нима, экология бузулди тушунчаси, унинг содир бўлиш механизми билан биргаликда тушунтириб бериш керак. Оддий тилда экология бузилиши қандай содир бўлшини тушунтириш муҳим аҳамиятга эга. Биз яшаб турган ер қуррси икки хил, жонли мавжудотлар ва жонсиз унсурлардан иборат. Жонли мавжудотларга одамлар, ҳайвонлар, ҳашоратлар, ўсимликлар, бир ҳужайрали организмлар кирса, жонсиз унсурларга тупроқ, сув, ҳаво, ёруғлик, олов кабилар киради. Миллиард йиллар давомида бу икки борлиқ ўртасида шундай бир мўтадил табиий мувозанат пайдо бўлганки, ерда ҳаёт мавжуд. Агар ушбу табиий мувозанат кўп ҳолларда, албатда инсонларнинг ноокилона ҳатти-ҳаракатлари натжасида бузулса, демак айнан шу жойда экология бузилди дейилади. Яна ҳам оддийроқ қилиб тушунтирилса, биз ўзимизнинг ноокилона ҳаракатларимиз билан тирик мавжудотларнинг тириклигини таъминлаб турган сув, тупроқ ва ҳавога зарар етказиб, унинг табиий таркибини бузамиз. Натижада таркиби бузулган сувни ичамиз, таркиби зарарланган ҳаводан нафас оламиз, таркиби бузилган тупроқда етиштирилган неъматлардан истеъмол қиламиз ва организмнинг ташқи муҳит билан бўладиган мувозанатини ҳам издан чиқарамиз. Агар бу жараён узоқ вақт давом этса, нафақат одам организмига балки, бутун тирикликка салбий таъсир қилади ва ҳар хил юқумли ва бошқа турдаги касалликларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Демак, биз ўзимизнинг нотўғри фаолиятимиз билан биринчи галда табиатни касал қиламиз, унинг табиий таркибини издан чиқарамиз, шу орқали ўзимизнинг соғлигимизга ҳам зарар етказамиз. Экологик тарбия мазмунидаги асосий ҳақиқат ҳам ўзи шунда.

Болаларга экологик тарбия беришда нималарга эътибор қаратиш керак? Атоқли педагог олим В.А. Сухомлинский “Болаларга жоним фидо” асарида “Мен болалар “Алифбе” ни очиб, биринчи сўзни ҳижжалаб ўқишларига қадар, аввал дунёдаги энг ажойиб китоб–табиат китобини мутолаа этишларини истардим” деб таъкидлайди. Ҳа, болани эсини таниган биринчи кундан бошлаб уни табиат билан ошно қилиш керак, шундагина у келгусида ўзи ҳам шу табиатнинг бир бўлаги эканини ва унга зарар етказса биринчи навбатда ўзи ҳам азият чекишини англайди. Дастлаб бола онгига ташқи муҳитни экологик жиҳатдан муҳофаза қилиш масаласи бир қатор қонунлар билан белгилаб қўйилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида “ер ва ер ости бойликларини, сув манбаларини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини қўриқлаш, бу бойликлардан илмий асосда, оқилона фойдаланиш, ҳаво ва сувни тоза сақлаш, табиий бойликларни узлуксиз кўпайиб боришини таъминлаш, инсоннинг атроф-муҳитни яхшилаш учун чора ва тадбирлар кўриши” зарурлиги алоҳида таъкидланганлигини батафсил тушунтириб сингдириш керак [2].

Экологик тарбиянинг бир неча йўналишлари бўлиб, булар экологик муаммоларнинг илмий, иқтисодий, техник, гигиеник, юридик, эстетик, педагогик, географик ва бошқа йўналишларидир. Айниқса, бу йўналишлар ичида энг асосийси бу педагогик йўналиш муҳим аҳамият касб этади. Нимага деганда одатда экологик муаммолар, одамларнинг бу борадаги етарли даражадаги билим, малака ва кўникмаларга эга бўлмасликлари ёки оддийгина бефарқликлари натижасида юзага келади. Болаларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда экологик тарбиянинг барча йўналишлари бўйича тушунтириш ишларини амалга оширилсагина кутилган натижага эришиш мумкин. Биринчи галда бола онгига экология масалада бир нарсани тушунтириш ва сингдириш керакки, атроф-муҳити, табиати

носоғлом бўлган худудда яшайдиган одамларнинг саломатлиги ҳам носоғлом бўлади. Бола атроф-муҳитни англай бошлаган биринчи кундан билиши зарурки, агар одам ифлосланган сувни истеъмол қилса, билсинки, тананинг 60-70% ини сув ташкил қилади, гўдакларда бу кўрсаткич 90% гача етади, агар ифлосланган ҳаводан нафас олса, билсинки, инсон ҳар дақиқада 12-15 марта шу ҳаводан нафас олади, агар таркиби ифлосланган тупроқда етиштирилган маҳсулотларни истеъмол қилса, билсинки, инсон бир кунда 3-4 марта овқат маҳсулотларини истеъмол қилади. Яна болаларга бир экологик муаммоларнинг бир жиҳатини батафсил тушунтириш керакки, табиатда фақат битта унсур ифлосланиб қолмайди. Агар ҳаво ифлосланса тупроқ ифлосланади, агар тупроқ ифлосланса билингки, сув ифлосланади. Демак, организмда модда алмашинуви қандай содир бўлса, табиатда ҳам тўхтовсиз равишда модда алмашинуви давом этади. Шундай экан табиатнинг муҳофазаси тўғрисида гапирганда, унга комплекс ёндашиш зарурлигини болалар онгига улар ҳаётининг дастлабки кунлариданоқ сингдириш керак.

Экологик тарбия бериш ҳам бошқа тарбиялар сингари оиладан бошланади. Унинг болада шаклланиш даражаси оилада экологик маданият, катталарда бу масаладаги билим ва кўникмаларнинг қай даражада шаклланганлигига бевосита боғлиқ бўлади. Оилада озодалик, саранжом-саришталик, хонодон атрофларининг ободонлаштирилганлиги, кўкаламзорлаштирилганлиги, оила аъзоларининг бу каби ишларга муносабатлари, ота-онасининг ва бошқа оиладаги катталарнинг ушбу йўналишда намуна кўрсатишлари болаларда экологик билим, малака ва кўникмаларнинг тўлақонли шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади. Оддийгина уйда ҳар хил гулларни ўстириб тарбиялаш, боғда турли хилдаги мевали ва манзарали дарахтларнинг ўстирилиши, уй ҳайвонларини асраш каби ишларнинг амалга оширилиши, шунингдек бу ишларнинг атроф-муҳит ва одамлар саломатлиги, айниқса руҳий саломатлигига ҳам кўрсатадиган ижобий таъсирларининг аҳамияти тўғрисида батафсил тушунтирилиб борилса, бола ҳаётининг биринчи кунлариданоқ табиатга бўлган меҳр-муҳаббат, қизиқишлар уйғона бошлайди. Ахир халқимизда “Қуш уясида кўрганини қилади” деган гап бекорга айтилмаганку!

Агар болага биринчи кундан бошлаб, мана шу ўсиб турган гулларнинг, дарахтларнинг ҳам жони бор, улар ҳам тирик мавжудот, фақат уларнинг тили йўқ, улар билан ҳам гаплашса бўлади, улар ҳам чанқаганини ва оч қолганини бизга билдиради, агар уларнинг ҳам жонига озор етказсанг унинг ҳам жони оғрийди, ҳатто нобуд бўлиши мумкинлигини, бу билан сен табиатга зарар етказаяпсан, табиат билан бизнинг ўртамиздаги мавжуд мувозанатни бузаяпсан деган тушунчаларни мунтазам сингдириб борсак, фарзандларимизда албатта табиатга ижобий маносабат шаклланишига шубҳа қолмайди. Табиатда ҳар бир жонзотнинг табиий мувозанатни ушлаб туришда ўз ўрни бор. Уларнинг айрим турларининг биз инсонлар томонидан баъзи бир салбий ёки ижобий таъсирларимиз натижасида кўпайиб кетиши ёки қирилиб йўқ бўлиб кетиши ҳам табиатда экологик муозанатнинг издан чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Табиатда ҳар бир жонзот бошқа бир жонзотнинг ҳаёт кечириши учун емиши саналади. Ушбу мувозанат ҳайвонлар орасида табиий ҳолда сақланади. Уларнинг аксарият қисми одатда емишларини захираламайдилар. Биз онгли одамзот унга ўзимизнинг нооқилона ҳатти-ҳаракатимиз билан таъсир қилмаслигимиз керак. Одатда, бизда ўзимизга керак бўлмаган дарахт ва ўсимликларни чопиб ташлашга, йўқотишга, шунингдек жонзотларни ўлдириб ташлашга одатланганмиз. Кўз олдингизга бир келтиринг, шу биз унча ёқтирмайдиган илонларни, дехқончилигимизга зарар етказадиган қушларни қириб ташласак нима бўлади? Ахир уларнинг ҳам табиатда ўз ўрни бор, улар ҳам табиатга бевосита ёки билвосита таъсир қилиб туради. Айтайлик, илонлар бошқа турдаги жонзотлар билан овқатланиши натижасида уларнинг табиатда кўпайиб кетишининг олдини олиб туради. Турли туман қушлар эса қанча-қанча ҳашоратларни бир кунда истеъмол қилиш билан табиатнинг мувозанатини сақлайди. Биз инсонлар ҳам ўз нафс, эҳтиёжларимизни қондириш учун бир неча ўнлаб ҳайвонларнинг гўшт ва сут маҳсулотларини, дов-дарахтлар ва ўсимликлар ҳамда уларнинг меваларини истеъмол қиламиз. Демак, биз оилада фарзандларимизга экологик мувозанат, унинг инсон соғлигини асрашдаги тутган ўрнини тушунтирганда, ҳар бир айтаётган гапимиз ва бераётган тарбия элементларининг мазмун ва моҳиятини ҳамда табиат ва саломатлик учун аҳамиятини чуқур тушунтиришимиз зарур бўлади. Негаки, биз таъкидлаб ўтган барча жараёнлар фарзандларимизнинг соғлом ҳаёт тарзи ва унинг маънавий асосларининг тўғри шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Бола 3-4 ёшларига кирганда болалар боғчаларига, кейинчалик мактабга боради ва ҳар хил турдаги фанларни таълим орқали ўзлаштириб бошлайди. Ҳатто ҳарфларни ўргана бошлаганда ҳам биз ҳар бир ўргатган ҳарфимизни табиат элементларидан мисоллар келтириб онгига сингдирамиз. Мисолларни табиат иномларидан келтирамиз ва уларнинг онгига биз ҳам шу табиатнинг бир бўлаги эканимизни тушунтирамиз. Улар аста-секинлик билан табиатни англай бошлайдилар. Мактаб ўқитувчилари ҳам ҳар қайси турдаги фанларни ўқитиш жараёнида уни табиат билан боғлаган ҳолда ўтиши керак. Масалан, биология, кимё, география, тарих, математика, анатомия, физика ва бошқа фанларни ўтиш жараёнида барча материалларни табиат ва ундаги кечаётган жараёнлар билан бирга боғлаб ўқитилса, экологик тарбия борасидаги олдимизга қўйган мақсадларга эришиш самарали кечади.

Экологик таълим деганда ўқувчиларга берилиши лозим бўлган табиат билан инсон орасидаги муносабатларни ифодаловчи билимлар тизими тушунилади. Мактабларда, академик лицейларда, олий ўқув юртларида бу масалалар ҳар қандай турдаги фанларни ўтиш жараёнида асосий назарда тутиладиган ҳолатлардан бири бўлмоғи керак. Экологик таълимнинг мазмун ва моҳиятини, унинг аҳамия-

тини биринчи галда болага экологик тарбия асосида сингдириш керак. Экологик тарбия эса бу инсоннинг атроф-муҳитга нисбатан муносабатини тарбиялашдир. Асли тарбия ўзи нима? Ҳар қандай турдаги тарбия менимча, одамнинг бирон-бир фаолият турини амалга оширишда, унинг амалга оширилиш механизмларини, ҳаёт жараёнида ўзлаштириб олган қайси ижтимоий меъёрлар асосида амалга ошириш жараёни тушунилади. Айтайлик, саломлашиш, овқатланиш, муомала ва муносабат, гапириш, машина бошқариш, меҳмонга бориш ва бошқа турдаги фаолиятлар. Худди шундай табиат билан бўладиган ўзаро муносабатлардаги фаолиятимиз ҳам шу тарзда кечади. Бу турдаги фаолиятларни аслида ҳамма амалга оширади. Аммо бажариш механизмлари бир хил эмас. Ҳар бир инсон ўзида олдиндан шаклланган ижтимоий одатлар ва турмуш тарзи асосида амалга оширади. Шунинг учун ҳам бир хил фаолият тури одамларга ва табиатга ҳар хил таъсир кўрсатади. Ана шу таъсирлар ўз навбатида бажарилиш механизмидан келиб чиқиб, организм учун ё ижобий ё салбий бўлиши мумкин. Шу боисдан биз ўқувчиларга экологик тарбия беришда, биринчи галда, амалга ошираётган фаолиятимиз, аниқроғи, табиат билан боғлиқ фаолиятимиз ўзимизга ва атрофимиздагиларга, шунингдек табиатга салбий омил сифатида ёмон таъсир қилмаслиги кераклигини алоҳида тушунтиришимиз керак.

Натижа ва муҳокама

Экологик таълим-тарбия умумий таълим-тарбиянинг бир шакли ва таркибий қисми бўлиб, мактабда барча фанларни ўқитишда амалга оширилиши кўзда тутиладиган ўта долзарб ва муҳим педагогик жараёнлардан бири ҳисобланади. Мактабларда экологик тарбия қуйидаги асосий элементларни ўз ичига олиши керак:

1. Атроф муҳит ва унинг шахс маънавий дунёсига таъсири, яъни ҳар бир инсон табиатга нисбатан бирорта фаолиятини амалга ошираётганида, айнан шу фаолиятнинг атроф муҳит учун зарарли эканлигини, экологик номувозанатликка олиб келишини, тирик мавжудотлар, айниқса одамларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатишини, охир-оқибат экологик ноқулай вазиятлар юзага келишига сабаб бўлишини олдиндан билиб, тушуниб, яна уни амалга оширса ва аксинча амалга ошираётган фаолиятининг жамият учун фойдали эканлигини, худудда экологик вазиятнинг яхшиланишига хизмат қилишини, ер қуррасидаги тирикликка, айниқса инсонлар саломатлигига ижобий таъсир қилишини билиб-кўриб, тушуниб, англаб уни онгли равишда амалга оширмаса, бу албатта унинг экологик маънавий дунёқарашининг ҳали тўлақонли шаклланмаганидан далолат беради.

2. Болаларга табиат ва унинг тирик мавжудотлар учун аҳамиятининг қонуний асосларини тушунтириш. Биринчи навбатда бола онгига ташқи муҳитни экологик жиҳатдан муҳофаза қилиш масаласи мамлакатимизда бир қатор қонунлар билан белгилаб қўйилганлиги, айниқси “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида ер ва ер ости бойликларини, сув манбаларини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини қўриқлаш, бу бойликлардан илмий асосда, оқилона фойдаланиш, ҳаво ва сувни тоза сақлаш, табиий бойликларни узлуксиз кўпайиб боришини таъминлаш, инсоннинг атроф-муҳитни яхшилаш учун чора ва тадбирлар кўриши” зарурлиги алоҳида таъкидланганлигини батафсил тушунтириб сингдириш керак [3]. Мактабда ўтиладиган барча турдаги фанларни ўқитиш жараёнида табиат ва ундаги тирик мавжудотларнинг яшашлари учун мавжуд унсурлар, сув, ҳаво, тупроқ, ер ости ва усти бойликлари ҳамда уларнинг бир-бирлари билан боғлиқликлари, ундаги тўхтовсиз кечаётган модда алмашинувларининг аҳамияти, нималар таъсирида табиатда мувозанатнинг бузулишлари, мувозанатни сақлаб туришнинг усуллари, бунда ўқитилаётган фанларнинг тутган ўрни ва бошқа хусусиятлар тўғрисида тушунчаларни ўқувчиларнинг онгига босқичма-босқич, батафсил сингдирилсагина, ўқувчиларда табиат ва унинг аҳамияти тўғрисида етарли билим ва кўникмалар пайдо бўлади.

3. Табиатга меҳр ва муҳаббатни шакллантиришда мактаб ва оиланинг ҳамкорлиги. Бола дунёга келиб ўсиб улғайиш жараёнларида ўнлаб ижтимоий институтларни босиб ўтади. Булар оила, болалар боғчаси, мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари, агар яна ўқишни давом эттирса магистратура, меҳнат жамоалари, ҳар хил давлат ва нодавлат ташкилотлар ва ҳакоза жамоаларида ҳам объект ҳам субъект сифатида иштироқ этади. Ана шу кетма-кетликларда у олган билим ва кўникмаларини ривожлантириб, такомиллаштириб боради. Шу жумладан экологик билим ва тажрибаларини ҳам. Ҳар бир босқичда болага экологик таълим ва тарбия берганда болаларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда жараённи амалга ошириш зарур бўлади. Бунда энг асосийси таълим маскани билан оила ўртасидаги ҳамкорлик саналади.

4. Болани ўзи яшаётган туман, шаҳар, қишлоқ ва таълим олаётган мактаб ҳовлисини кўкаламзорлаштиришга ҳамда синф хонасида гулларни парвариш қилишга қизиқтириш. Болаларга ёшлигидан она Ватан, она юрт, она замин деган тушунчалар онгига сингдирилади. Она Ватан экологик жиҳатдан қандай кўринишда бўлмасин, у ҳар бир инсон учун муқаддас жой ҳасобланади. Миллион йиллар олдин ота боболаримиз ўзлари учун яшаш маконларини танлаганларида, улар шу жойнинг инсон яшаши учун мавжуд барча жиҳат ва имкониятларини инобатга олганлар. Ҳамма томонлама қулай, экологик жиҳатдан хотиржам, мувозанатлашган худудларни аслида ҳеч ким яратган эмас. У табиий ҳолда пайдо бўлган. Агар табиатга одамлар ўз манфатларини кўзлаб бирор салбий таъсир кўрсатмаса, у ўзининг табиий мувозанатини сақлаб туради. Одамлар бирон маконни танлаб шу ерда ўзи учун уйлар қуради, экин экади, деҳқончилик қилади, табиий бойликлардан фойдаланади, ишлаб чиқаришни ривожлантиради, натижада ҳавога, сувга, тупроққа ҳар хил кўринишдаги чиқиндилар чиқади. Одамларнинг

ҳаёт фаолияти давомида пайдо бўлган чиқиндилар ўз вақтида махсус усуллар билан зарарсизлантирилмаса, у табиатга салбий таъсир қилиб ундаги табиий мувозанатнинг бузилишиги сабаб бўлади ва экологик вазият издан чиқади. Бу каби ноқулай вазиятнинг олдини олиш фақатгина аҳоли орасида, айниқса ёшлар ичида экологик тарбия беришда, айнан уларга ўзлари яшаб турган худуднинг табиий мувозанатига бўлган ижобий муносабаини шакллантириш орқалигина амалга оширилади.

5. Табиатга онгли муносабат жараёнида ўқувчиларнинг дунёқарашларини шакллантириш. Табиатга онгли муносабатни шакллантирш боланинг 1,5-2 ёшлигидан оилада бошланади. Бу ёшда болалар атроф-муҳитни, унда содир бўлаётган жараёнларни кузатади. Атрофдаги ҳамма нарсаларга қизиқиб, уларнинг нима учун кераклигини ота-онаси ва атрофдагилардан сўраб бошлайди. Билиш эҳтиёжи кундан-кунга ошиб боради. Бу ҳолатни ота-оналар эътиборсаз қолдирмаслиги керак. Ҳозирда болаларга мўлжалланган, йиртилмайдиган, рангли қаттиқ муқова ва бетли, табиат жонзотлари ва ҳар хил ўсимликлар, мевали ва манзарали дархтлар, уй рўзғор буюмлар ва ўйинчоқларнинг расмлари тушурилган китоблар жуда кўп. Ҳатто бу каби китобларда болаларнинг ёшлари эътиборга олинган ҳолда, ҳар хил вазиятли расмлар ҳам тақдим этилади. Бу китоблар орқали бола ҳвётининг дастлабки даврларидан бошлаб табиат ва унинг сир-асрорлари тўғрисидаги дунёқарашларини шакллантира бошлайди. Ёш ўсиши билан китобларни ҳам мураккаблаштириб, кўрганларини амалда ҳам кўрсатиб, ҳар бир кўрган табиат борлиғининг мазмун ва моҳиятини ҳамда аҳамиятини болага тушунтириб борилса яхши самара беради. Бу албатда инсонда соғлом тутмуш тарзи ва унинг маънавий асосларининг шакланишага асос бўлади.

6. Ёшларни экологик тарбиялашда миллий қадриятлар ва анъаналарнинг тутган ўрни. Ҳар бир халқ, элат ва миллатларда минг йиллар давомида шаклланган миллий анъаналари, қадриятлари ва удумлари борки, бу анъаналар уларнинг кўп йиллик тажрибалари асосида эътироф этилган ва ижтимоий меъёр яъни одат сифатида шаклланган. Биз ўзбекларда ҳам бу каби қадриятлар жуда кўп. Фарзандларимизга ёшлигиданоқ атроф-муҳитни тоза сақлаш, уй атрофларини супуриб тозалаш, оқар сувга турли хилдаги чиқиндиларни ташламаслик, унга туфурмаслик, ўсиб турган дарахт шохларини синдирмаслик, жаниворларга озор етказмаслик каби анъаналаримиз борки, булар фарзандларимизни ёшлигидан табиатга ошно бўлишларида хизмат қилади. Биз ҳатто айрим қушларга баҳор келиши билан эшикларимизни очиб уйимиз тўридан уя солишга имкон яратамиз. Улар келгуси йил яна қайтиб келганларида хурсанд бўламиз. Болаларга биринчи галда ана шу анъаналарнинг моҳиятини ва аҳамиятини тушунтириш ва онгиги сингдириш зарур. Шундагина улар бу каби савобли анъаналарнинг моҳиятини тушуниб етади. Моҳияти идроқ қилинган ҳар қандай турдаги билим инсонда соғлом ҳаёт тарзининг шаклланишига ижобий хизмат қилади. Демак, ота-боболаримиз азал-азалдан табиатга юксак меҳр ва эҳтиром кўрсатишган. Яшаб турган жойини обод қилишган, кўчаларни, уй атрофларини саранжом ва сариштa сақлаганлар. Халқимизнинг табиатга муносабати баҳорда, айрим ҳолларда кузда уруғ қадаш, қовун сайли, сув сайли, узум сайли, ҳосил байрамлари, гул сайли, наврўз байрами, хирмон тўйи каби байрамларда ҳам ўз ифодасини топади. Бу каби тадбирлар ҳам одамлар орасида табиатга нисбатан яхши муносабатнинг шаклланишига айниқса, экологик билим ва кўникмаларининг шакланишига хизмат қилади.

Хулоса

1. Аҳоли орасида, айниқса ёшлар ичида экологик таълим ва тарбия, бугун мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган долзарб масалалардан бир саналади.

2. Экологик тарбия орқали ёшларнинг экологик билим ва кўникмаларини, экологик маданиятини ошириш, биринчи галда тирик мавжудотлар билан табиат ўртасидаги мувозанатни сақлашга, салбий экологик омиллар юзага келишининг олдини олишга, табиатни ва шу орқали инсонлар саломатлигини мустаҳкамлашга замин яратилади.

3. Экологик таълим ва тарбиянинг дастлабки пойдевори оилада қўйилиб, кейинги барча турдаги ижтимоий институтларда махсус ўқув дастурлари асосида талаб даражасида ўқитилиб, экология тўғрисидаги билим, малака ва кўникмалари такомиллаштирилса, аҳоли орасида, айниқса ёшларда уларнинг экологик саводхонлиги ошади, табиатга бўлган ижобий муносабатлари тўғри шаклланади.

4. Одамларда тўғри ҳамда тўлақонли шаклланган экологик билим, малака, кўникма ва экологик маданият, ўз навбатида аҳоли орасида ўнлаб турдаги ҳар хил ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларнинг камайишида ижобий омил бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Абдуллаев И.К. Экологик тарбия ва унинг инсон таёт тарзининг шаклланишидаги тутган ўрни // “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йўли”га бағишланган “Фан ва таълим-тарбиянинг долзарб масалалари” мавзусидаги Республика илмий-назарий анжуман материаллари. – 5-бўлим. – Нукус, 2019. – С. 413-416.

2. Даниленкова Т.О. В.А.Сухомлинский о воспитании здорового ребенка в процессе обучения // Психологические и педагогические науки. – 1019.

3. Ўзбекистон Республикиси Конституцияси. – Тошкент, 1992.

ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА УНИНГ ЁШЛАР ОРАСИДА СОҒЛОМ ҲАЁТ ТАРЗИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ

Абдуллаев И.К.

Ёшлар орасида экологик таълим ва тарбия мамлакатимизда бугун давлат сиёсати даражасидаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Экологик тарбия умумий тарбиянинг бир қисми бўлиб, уни инсон ҳаётининг барча босқичларидаги ижтимоий ин-

ститутларда танафуссиз амалга ошириш зурурлиги бугун давр талаби. Экологик тарбиянинг бир неча йўналишлари мавжуд. Булар экологиянинг илмий, иқтисодий, сиёсий, техник, тиббий-гигиеник, юридик, эстетик, педагогик ва бошқа йўналишларидир. Айниқса, бу йўналишлар ичида энг асосийси бу педагогик йўналиш муҳим аҳамият касб этади. Экологик тарбия бериш ҳам бошқа тарбиялар сингари оиладан бошланади ва бола ҳаётининг кейинги босқичларидаги қатор иижтимоий институтларда, мактабгача, мактаб, академик лицейлар, олий ўқув юртларида, меҳнат жамоаларида давом эттирилади. Экологик таълим ва тарбия деганда ўқувчиларга берилиши лозим бўлган табиат билан инсон орасидаги муносабатларни ифодаловчи билимлар тизими тушунилади. Татқиқоднинг асосий мақсади ёшлар орасида экологик таълим ва тарбиянинг назарий ва амалий жиҳатларини асослашдан иборат.

Калит сўзлар: *экология, таълим-тарбия, ёшлар, ҳаёт тарзи, ижтимоий, саломатлик, мувозанат, тиббий-гигиеник, оила, омил, соғлиқни сақлаш.*

УДК: 616.33-002.44:616.33.342

СТРУКТУРНЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ ЖЕЛУДКА У ЛИЦ С ХРОНИЧЕСКИМ ГАСТРИТОМ, УПОТРЕБЛЯЮЩИХ ТАБАК “НАС”

Абдуллаев Р.Б.

SURUNKALI GASTRIT BILAN KASALLANGAN TAMAKI “NOS” QABUL QILUVCHI BEMORLAR OSHQOZONINING TARKIBIY O‘ZGARISHLARI

Abdullayev R.B.

STRUCTURAL CHANGES IN THE STOMACH OF THOSE WHO CONSUME TOBACCO “NAS” SUFFERING FROM CHRONIC GASTRITIS

Abdullaev R.B.

Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии

Maqsad: *tamaki “nos” chekuvchi surunkali gastrit bilan kasallangan bemorlar oshkozon shilliq qavati morfologik xususiyatlarini o‘rganish.* ***Material va usullar:*** *izlanish 60 nafar surunkali gastrit bilan kasallangan tamaki “nos” chekuvchi bemorlarda o‘rganildi.* ***Natijalar:*** *uzoq bo‘lmagan muddatdagi tamaki “nos” qabul qiluvchi bemorlarda gastritning yuzaki turlari kuzatilgan bo‘lsa, “nos” chekish muddati ko’paygani sayin oshqozon shilliq qavati bezlarining atrofiyaga uchragan holatlari aniqlandi.* ***Xulosa:*** *olingan ma’lumotlar shundan dalolat beradiki oshqozon shilliq qavati patologik jarayonining chuqurligi va og‘irligi, tamaki “nos” chekishning muddati bilan bevosita bog‘lik. Buni o‘rganish na faqat nazariy balki amaliy ahamiyat kasb etadi.*

Kalit so‘zlar: *tamaki “nos”, surunkali gastrit, oshqozon shilliq qavati, morfologik o‘zgarishlar, zararli odat, tamaki chekish, eyforiya, monelik sindromi.*

Objective: *Study of morphological changes in the gastric mucosa in patients suffering from chronic gastritis laying tobacco “nas” under the tongue.* ***Material and methods:*** *Research is spent at 60 patients with stomach ulcerdisease.* ***Results:*** *As the duration of nasincreases consumption, changes atrophic in the gastric mucosa occur, up to atrophic lesions of the glands. As a result of researches shows that degree of expressiveness and weight of structural changes, depth and prevalence of process are closely connected with smoking “nas”.* ***Conclusions:*** *In patients were found the phenomena of superficial gastritis with a short period of smoking nas tobacco. Prevention of this disease is a topical trend in medicine.*

Key words: *tobacco “nas”, chronic gastritis, gastric mucosa, morphological changes, bad habit, tobacco smoking, euphoria, addiction syndrome.*

В настоящее время в некоторых странах «нас» (насвай) стал популярным даже среди школьников, так как приобрести его просто: он продается на рынках, а стоит дешевле сигарет. Его широкое распространение среди населения, а тем более подростков не может не вызывать беспокойства, поскольку «нас» является токсическим – вредным веществом, оказывающим губительное действие на организм. Обмен опытом, фактическими данными и экспертными знаниями между странами становится все более важным для борьбы против табака на национальном, региональном и глобальном уровнях [4].

Табак «нас» является социально-бытовой вредной привычной среди населения регионов Средней Азии и Казахстана, некоторых стран Ближнего и Среднего Востока, где курение, точнее закладывание под язык «наса» – курительного средства, состоящего из мелкого растительного табака, растительного масла, извести, золы, распространено довольно широко. В зависимости от местности, где изготовляется «нас», процентный состав этого вещества различен [6].

Само слово «нас» арабского происхождения и в переводе означает «забыться», «забыть себя». После закладывания 1-2 г табака «наса» под язык у человека появляется успокоение: эйфория, приятное ощущение, легкая степень опьянения, способствующая закреплению этой привычки, то есть формируется синдром зависимости [7]. Закладывают «нас» от 5 до 25 раз в день. Табак «нас» может спровоцировать потребление более больших доз, так как создается психологический стереотип привыкания.

Известны экспериментальные и клинические исследования, посвященные влиянию табака «нас». Учёные изучали состав, распространённость курения «наса», а также юридические и этнические стороны этой привычки [2]. Есть сравнительные наблюдения, касающиеся изучению действия табака «нас» на различные системы организма и других вредных привычек [3,5]. Доказано, что употребление (курение) табака «нас» приводит к онкологическим заболеваниям полости рта [1].

Учитывая увеличение в настоящее время лиц, употребляющих табак «нас», особенно молодого возраста, изучение влияния «наса» на слизистую оболочку желудка (СОЖ) у больных хроническим гастритом (ХГ) представляется актуальным и своевременным.

Цель исследования

Изучение морфологических изменений слизистой оболочки желудка у больных, страдающих хроническим гастритом, закладывающих под язык табак «нас», проживающих в экологически неблагоприятных условиях Южного Приаралья, то есть в Хорезмской области Республики Узбекистан.

Материал и методы

Исследование проводилось у 60 больных. Материалом для морфологического изучения служили прицельные биоптаты из различных отделов СОЖ (пилорического, кардиального, тела желудка), взятые при эзафагогастродуоденофиброскопии. Биопсийный материал окрашивался гематоксилином и эозином, по Ван-Гизону, проводилась также ШИК-реакция (по Мак-Манусу в модификации А.Л. Шабадаша).

Морфологическое состояние СОЖ оценивали по морфологической классификации хронического гастрита.

На основании морфогенеза:

- поверхностный,
- с поражением желез без атрофии,
- атрофический (без перестройки и с перестройкой эпителия),
- атрофически-гиперпластический,
- гипертрофический.

Контрольную группу составили 40 больных, страдающих хроническим гастритом, не употребляющих табак «нас», сопоставимого пола и возраста. При гистологическом исследовании СОЖ у 6 (15%) больных этой группы диагностирован поверхностный гастрит, у 8 (20%) – ХГ с поражением желез без атрофии, у 5 (12,5%) – атрофический гастрит без перестройки эпителия, у 2 (5%) – атрофический гастрит с перестройкой эпителия, у 9 (22,5%) – атрофически-гиперпластический гастрит и у 10 (25%) – гипертрофический гастрит.

При разработке анамнестических данных особое внимание обращали на сроки употребления табака «наса». Как видно из таблицы, самую многочисленную группу (60%) составили лица, употребляющие «нас» от 6 до 10 лет.

Таблица

Распределение больных ХГ по группам в зависимости от продолжительности употребления табака «нас»

Группа	Продолжительность употребления табака «нас», лет	Всего больных, абс. (%)
1-я	1-5	12 (20)
2-я	6-10	36 (60)
3-я	11 и больше	12 (20)

При гистологическом исследовании СОЖ у 7 из 12 больных 1-й группы изменения слизистой оболочки желудка соответствовало картине поверхностного гастрита. У 5 (41,7%) обследованных обнаружены изменения, соответствовавшие гипертрофическому гастриту. Из 36 больных 2-й группы поверхностный гастрит встречался у 3 (8,1%), гипертрофический – у 10 (28%). Изменения в СОЖ оценены как атрофический гастрит без перестройки эпителия у 7 (19,4%) пациентов, у 4 (11,1%) больных они укладывались в картину атрофически-гиперпластического гастрита (АГГ), у 7 (19,4%) соответствовали ХГ с поражением желез без атрофии и у 5 (4%) – атрофическому гастриту с перестройкой эпителия. У пациентов 3-й группы, употреблявших «нас» наиболее часто и продолжительно, выявлен только атрофический гастрит без перестройки (n=5) и с перестройкой (n=7) эпителия.

Результаты и обсуждение

Таким образом, среди больных 1-й группы отмечались морфологические изменения СОЖ, соответствующие поверхностному (рис. 1, 2) и гипертрофическому гастрит (рис. 8), в то время как атрофия СОЖ еще не занимает важное место в морфологической картине гастрита. По мере увеличения продолжительности закладывания «наса» меняется и характер поражения слизистой оболочки желудка. У лиц 2-й группы возрастает удельный вес выраженных форм атрофического гастрита (рис. 3, 4, 7, 9), и лишь в единичных случаях у длительного употребляющих табак «нас» определяется поверхностный гастрит.

Рис. 1. Поверхностный гастрит пилорического отдела желудка. Окраска гематоксилином и эозином. х80. Наблюдение 5.



Рис. 2. Хронический гастрит с поражением желёз без атрофии. Окраска гематоксилином и эозином. х80. Наблюдение 57.



Разработка стратегических планов здравоохранения необходима на всех уровнях управления, вплоть до медицинских организаций. Управленческое обследование представляет собой методическую оценку функциональных зон системы, предназначенную для выявления ее стратегически сильных и слабых сторон. Анализ стратегических альтернатив проводится на базе основных вариантов ожидаемых результатов (таких как рост, ограниченный рост, сокращение, сочетание). Вслед за управленческим обследованием осуществляется выбор стратегии и способов ее реализации. В рамках стратегического планирования должны осуществляться 3 основных вида управленческой деятельности:

- приоритетное планирование и распределение ресурсов;
- обеспечение адаптации системы к внешней среде;
- своевременная внутренняя координация и перегруппировка системы.

При этом изначально следует иметь в виду ряд отличительных особенностей характера стратегического планирования:

- масштабность и нерушимость;
- сложность и двойственность;
- фундаментальность и долгосрочность;
- значимость изменений и зависимость от окружения.

Выводы

1. Основные задачи планирования здравоохранения в условиях финансовых, социальных и политических ограничений – обеспечение для населения максимально возможного уровня доступности медицинской помощи за счет улучшения использования ресурсов.

2. Конкретные сроки стратегического планирования устанавливают органы исполнительной власти в соответствии с длительностью планируемых перспектив социально-экономического развития страны.

Литература

1.Ежегодные статистические сборники здоровья и здравоохранения Республики Узбекистан РИАЦ МЗ РУз.

2.Инструктивно-директивные документы Минздрава Республики Узбекистан.

3.Кабушкин Н. Основы менеджмента. Теория и практика менеджмента. – Минск: Новая заря, 2017. – С. 336.

4.Кузьменко М.М., Баранов В.В., Шиленко Ю.В. Здравоохранение в условиях рыночной экономики. – М.: Медицина, 2014. – 288 с.

5.Маматкулов Б. Об изучении отчета Президента Ислама

Каримова на заседании Кабинета Министров Республики Узбекистан об итогах 2012 года и приоритетах социально-экономического развития Узбекистана в 2013 году.

6.Маматкулов Б. Общественное здоровье и управление здоровьем. – Ташкент: Science Ziyo, 2015. – 590 с.

7.Маматкулов Б., Касымова Д. Менеджмент и экономика здравоохранения. – Ташкент: Изд-во «Наследник», 2016. – 240 с.

8.О развитии инфраструктуры села Республики Узбекистан: Постановление Кабинета министров РУ № 182 от 21 мая 2016 года.

9.Рахимова Д.Н. Современный менеджмент: теория и практика. – Ташкент, 2019.

10.Шарифхўжаев М. Менеджмент. – Ташкент, 2015.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПЛАНИРОВАНИЯ В ОБЛАСТИ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ

Расулова Н.Ф., Джалилова Г.А., Мухамедова Н.С.

Цель: *использование современных технологий в управлении, профилактике и оказании клинических медицинских услуг.* ***Материал и методы:*** *анализ научной литературы и работа с данными Интернета.* ***Результаты:*** *стратегическое планирование, основанное на анализе и устойчивости, должно обеспечивать четкую оценку целей и направлений деятельности и определять набор действий и решений для достижения этих целей. Важнейшая задача стратегического планирования – обеспечение инноваций и изменений в системе здравоохранения.* ***Выводы:*** *в контексте финансовых, социальных и политических ограничений основная задача планирования здравоохранения заключается в обеспечении наивысшего уровня доступа к медицинской помощи для населения за счет рационального использования ресурсов.*

Ключевые слова: *здравоохранение, планирование, разведка, руководство, современность, сервис, менеджмент.*

УДК: 616-084-053.4

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ЮНУСОБОД ТУМАНИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИНГ ТИББИЙ КЎРИК НАТИЖАЛАРИНИ АСОСИДА КАСАЛЛАНИШИ

Саломова Ф.И., Садуллаева Х.А., Шарипова С.А., Шеркузиева Г.Ф., Мухамедова С.Э., Абдукадирова Л.К.

ЗАБОЛЕВАЕМОСТЬ ВОСПИТАННИКОВ ДЕТСКИХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧЕРЕЖДЕНИЙ ЮНУСАБАДСКОГО РАЙОНА ГОРОДА ТАШКЕНТА ПО РЕЗУЛЬТАТАМ МЕДИЦИНСКИХ ОСМОТРОВ

Саломова Ф.И., Садуллаева Х.А., Шарипова С.А., Шеркузиева Г.Ф., Мухамедова С.Э., Абдукадирова Л.К.

MORBIDITY OF PUPILS OF CHILDREN'S EDUCATIONAL INSTITUTIONS OF YUNUSABAD DISTRICT OF TASHKENT CITY BY RESULTS OF MEDICAL EXAMINATIONS

Salomova F.I., Sadullaeva Kh.A., Sharipova S.A., Sherkuzievsa G.F., Muxamedova S.E., Abdukadirova L.K.

Тошкент тиббиёт академияси

Цель: *оценка состояния здоровья дошкольников, посещающие детские дошкольные образовательные учреждения (ДОУ) Юнусабадского района города Ташкента по результатам профилактических медицинских осмотров.* ***Материал и методы:*** *дети ДОУ Юнусабадского района, аналитические, статистические методы.* ***Результаты:*** *в Юнусабадском районе функционирует 57 ДОУ, в которых воспитываются и обучаются 16703 ребенка. Детям этих ДОУ оказывают квалифицированную медицинскую помощь медицинские работники 9 семейных и центральных поликлиник. Согласно плану ДОУ Юнусабадского района, должны были пройти углубленное медицинское обследование 16703 воспитанника. Медицинское обследование прошли 16491 (98,7%) ребенок, заболевание диагностировано у 4671 (28,3%) из них.* ***Выводы:*** *медицинским осмотром охвачены 71,2-100% детей дошкольных образовательных учреждений. Доля детей I группы здоровья в ДОУ Юнусабадского района составила 71,7%, II группы – 25,8%, III группы здоровья – 2,6%. Оздоровлены 100% детей с установленным диагнозом, в том числе 96,6% в амбулаторных условиях, 2,7% – в больницах и 0,7% – в санаториях.*

Ключевые слова: *детские общеобразовательные учреждения, дошкольники, медицинские осмотры, здоровье детей.*

Objective: *Assessment of the health status of preschoolers attending preschool educational institutions (DOE) of the Yunusabad district of Tashkent city based on the results of preventive medical examinations.* ***Materials and methods:*** *Children of the preschool educational institution of Yunus-Abad region, analytical, statistical methods.* ***Results:*** *In the Yunus-Abad region, there are 57 preschool educational institutions, in which 16 703 children are educated and trained. The children of these preschool educational institutions are provided with qualified medical care by medical workers from 9 family and central polyclinics. According to the plan of the preschool educational institution of the Yunus-Abad region, 16 703 pupils were to undergo an in-depth medical examination. 16,491 children underwent medical examination, 4671 children were diagnosed with the disease, which is 98.7% and 28.3%, respectively.* ***Conclusions:*** *Medical examination covered 71.2 - 100% of children of preschool educational institutions. The share of children of the 1st health group in the preschool educational institution of the Yunus-Abad region was 71.7%, the 2nd health group - 25.8% and the III-health group - 2.6%. 100% of children with an established diagnosis were recovered, including 96.6% in outpatient settings, 2.7% in hospitals and 0.7% in sanatoriums.*

Key words: *preschool educational institution, preschoolers, medical examinations, children's health.*

Инсоннинг саломатлик ҳолати 80-85% инсонларнинг турмуш тарзи ва турмуш шароитига (меҳнат ва дам олиш шароити, овқатланиши, психологик иқлим, ташқи муҳит ҳолати), 10-15% соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан ДПМ сифатига боғлиқдир [1,2,4,5]. Мактабгача таълим муассасаларида болалар учун яратилган шароитлар уларнинг саломатлик ҳолатининг интеграл кўрсаткичларидан биридир. Болаларнинг саломатлик ҳолатини объектив мониторинг қилиш, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашни таъминлайдиган адекват дастурларни ишлаб чиқиш тиббиётда ҳамда ижтимоий жиҳатдан долзарб муаммолардан биридир. Болаларнинг саломатлик ҳолати ҳақида маълумотлар мактабгача ёшдаги болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш натижалари асосий манба бўлиб ҳисобланади, бунда боланинг ёшига кўра тиббий кўрикларни ўтказиш 1 йилда 2 мартадан ўтказиш қабул қилинган [1,3,6]. Бу маълумотларнинг ишончлилиги республика бўйлаб бундай кўрикларни ташкил қилиш ва таркибининг сифатига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Болаларни профилактик тиббий кўрикдан ўтказиш мақсади:

- болаларнинг ўсиш ва ривожланишини назорат қилиш;
- ноқулай ижтимоий-биологик омилларни ва соғлиқнинг бузилиши мумкин бўлган хавфни аниқлаш;
- касалликларни эрта аниқлаш;
- соғломлаштириш ва даволаш-реабилитация чора-тадбирларини ўз вақтида тайинлаш.

Болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси ССВнинг “Болаларга амбулатор-поликлиника муассасаларида тиббий хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 420-сонли буйруғи асосида амалга оширилади.

Болаларнинг профилактик тиббий кўрикдан ўтказишга МТМ жойлашган ҳудуднинг тиббий муассасаси масъул бўлиб ҳисобланади. Болаларга даволаш ишларини олиб бориш бирламчи бўғин, яъни оилавий поликлиника участка шифокори, профилактик чора-тадбирларни ўтказиш, жумладан чуқурлаштирилган тиббий кўрикларни ўтказиш болалар муассасаларида ишловчи шифокор ҳамшираларга юклатилади [1].

Ишнинг мақсади: Тошкент шаҳари Юнус-обод туманидаги мактабгача таълим муассасалари (МТМ) тарбияланувчиларининг тиббий кўрик натижалари асосида касалланашини ўрганиш ва баҳолаш.

Материал ва усуллар

Юнус-обод туманидаги МТМ тарбияланувчи болалар, таҳлилий, статистик усул

Натижалар

Юнус-обод туманида МТМ умумий сони 57 та, унда 16703 нафар бола тарбияланади. Мазкур мактабгача тарбий муассасаларига 9 та оилавий ва марказий поликлиника малакали тиббий хизмат кўрсатади. Юнус-обод туманида МТМ режа бўйича 16703 нафар тарбияланувчини чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш режалаштирилган. Чуқур тиббий кўрик ўтказиш учун барча тегишли мутахассисликдаги шифокорлар қатнашган. Чуқур тиббий кўрикдан амалда 16491 нафар бола ўтказилган.Тиббий кўрикдан ўтказилган болаларнинг 4671 нафарида касаллик аниқланган, тегишли равишда бу 98,7% ва 28,3%ни ташкил этади. Бу эса чуқур тиббий кўрикдан 1,3% боланинг ўтмаганлигини кўрсатди (1-расм).

1-расм. Соғлом ва касаллик аниқланган болалар улуши, %.

Чуқурлаштирилган тиббий кўрик натижаларига кўра болалар саломатлик гуруҳларига ажратилди. Жумладан, амалий соғлом болалар 11820 нафарни (71,7%) (I – саломатлик гуруҳи, функционал силжишлар кузатилган болалар, яъни II – саломатлик гуруҳи 4250 (25,8%) нафар, сурункали касалликлари бор бўлган, яъни III – саломатлик гуруҳи эса 421 (2,6%) нафар болани ташкил этди.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларни тиббий кўрикни ўтказаш билан қамраб олишни таҳлил қилинганда жами 57 та муассасадан 10 тасида тўлиқ қамров бўлмаган яъни 71,2%дан 99,8% гача кузатилган. 2 та МТМда эса режадагидан ортиқ болалар тиббий кўрикдан ўтганлиги аниқланди.

Тиббий кўрик натижасига кўра касалланган болаларнинг катта фоизи қуйидаги МТМларида, яъни 442, 511, 544, 173, 560 ва ШБУ да аниқланди.Энг қуйи кўрсаткичлар эса 501 ва 1-сонли МТМ аниқланган. Қолган МТМ ларда касаллик аниқланган болаларнинг фоизи 10%дан – 92,5%гача тебранади.

Саломатлик гуруҳлари бўйича I- гуруҳга мансуб бўлган болаларни энг катта улуши 35, 191, 1-сонли МТМ ларида, II – гуруҳга мансуб бўлган болаларнинг энг катта улуши 21-МУ, III – гуруҳга мансуб бўлган болаларнинг энг катта улуши эса 560, 442-сонли МТМга тўғри келади (2-расм).



2-расм. Чуқурлаштирилган тиббий кўрик натижаларига кўра болалар саломатлик гуруҳлари, %.

Саломатлигида нуқсон аниқланган болаларнинг 4405 нафари (94,3%) амбулатор шароитда, 124 нафари (2,8%) шифохоналарда ва 35 нафари (0,8%) эса санаторияларда соғлаштирилган. Барча МТМларда амбулатор шароитда соғломлаштириш учун қамраб олинган фоизи 55,9 %дан 100% гача эканлиги кузатилди. Аксарият болалар айнан амбулатор шароитда, яъни Оилавий поликлиникаларда соғломлаштирилган.

Тиббий кўрик натижасига кўра Юнус-обод туманидаги МТМ болаларнинг касаллик структураси таҳлил этилганда энг катта фоизни нутқнинг бузилиши, ортопедик касалликлар, асаб касалликлари ташкил этди. Болаларнинг касаллик структурасида энг кичик фоизни онкологик, сийдик йўллари касалликлари ва юрак қон-томир тизими касалликлари эгаллайди (3-расм).

МТМ бўйича болаларнинг касаллик структураси таҳлил этилганда 160-сонли МТМда биринчи ўринда ортопедик касалликлар, иккинчи ўринда асаб касалликлари учинчи ўринда ЛОР-касалликлари эгаллаган. 442-сонли МТМда тарбияланувчиларнинг касалланиш структурасида 49,3 %ни ЛОР касалликлари, нутқ бузилиши билан боғлиқ бўлган касалликлар эса 16,9%ни, РРОҚ – 16,9 %ни, асаб касалликла-

ри 8,5%, қон ҳосил қилувчи аъзолар касалликлари – 5%, кўз касалликлари – 3,4% (4-расм).

511-сонли МТМда биринчи ўринда нутқ бузилиши билан боғлиқ бўлган касалликлар 48,1%, иккинчи ўринда асаб касалликлари – 36,1%, учинчи ўринда ортопедик касалликлар 10,7%ни ташкил қилган (5-расм).



3-расм. МТМ болаларининг касалланиш структураси, %.



4-расм. 442-сонли МТМ болаларининг касалланиш структураси, %.



5-расм. 511- сонли МТМ болаларининг касалланиш структураси, %.

544-сонли МТМда биринчи ўринда нутқ бузилиши ва асаб касалликлари 32,8%, иккинчи ўринда ортопедик касалликлар 13,5%ни, учинчи ўринда РРОҚ касалликлари – 11,2% ташкил этган (6-расм).

173-сонли МТМда тарбияланувчиларнинг касалланиш структурасида нутқ бузилиши билан боғлиқ бўлган касалликлар 43%ни, асаб касалликлари 34,2%, ЛОР-касалликлари эса 1,9%ни, кўз касалликлари – 1,5%, эндокрин ва юрак қон-томир касалликлари 0,8%дан, нафас аъзолари касалликлари ва ЖРОҚ 0,4%дан, қон ҳосил қилувчи аъзолар касалликлари – 5% (7-расм).

ШБУ-сонли МТМда тарбияланувчиларнинг касалланиш структурасида асаб касалликлари 29,5%, эндокрин касалликлар – 12,6%, кўз касалликлари – 11,1%, юрак қон-томир касалликлари 11%, ЖРОҚ 10,5%, РРОҚ касалликлари – 5,8% нафас аъзолари касалликлари – 5,3%, овқат ҳазм қилиш касалликлари 2,6%, нутқ бузилиши билан боғлиқ бўлган касалликлар 43%ни, ЛОР касалликлари эса 1,9%ни, ва, қон ҳосил қилувчи аъзолар касалликлари – 5% (8-расм). Касалланиш ўрганилганда унинг даражасининг болалар ёшига ишончли боғлиқлиги аниқланди; лекин аниқ жинсий фарқлар аниқланмади. Касалликнинг энг юқори даражаси 3-4 ёш гуруҳида қайд этилди. Ёш ўсиб бориши билан касалланиш тобора камайиб борди. 6-7 ёш гуруҳида у 1,4 баравар паст бўлгани аниқланди ($p<0,05$). Нафас олиш аъзоллари касалликларининг мавсумийлиги қайд этилди. Қиш-баҳор даврида бу йилига барча касалликларнинг ўртача йиллик ҳолатларининг 70% ни ташкил этди.



6-расм. 544-сонли МТМ болаларининг касалланиг структураси, %.



7-расм. 173-сонли МТМ болаларининг касалланиш структураси, %.



8-расм. ШБУ- болаларининг касалланиг структураси, %.

Барча ёш гуруҳларидаги болаларнинг аксарияти (52,7%) морфофункционал оғишларга 3 дан 4 гача бўлган ва уларнинг фақат 1/5 қисмида 1-2 оғиш бор эди. Шу билан бирга, тайёргарлик гуруҳлари болаларининг 1/4 қисмида (6-7 ёш) 5 та оғиш ва ундан ортишининг ноқулай тенденцияси аниқланди. 5 та ва ундан ортиқ оғишларга эга бўлган болаларнинг энг кўпи (34,8%) ёш гуруҳларда (3-4 ёш) бўлган. Шундай қилиб, болаларнинг умумий касалланишидаги ўзига хос хусусиятларни соғломлаштириш тадбирларини ўтказишда эътиборга олиш талаб этилади.

Хулоса

1. Мактабгача таълим муссасаларида тарбияланувчи болалар 71,2% дан 100% гача тиббий кўрик билан қамраб олинган. Юнус-обод тумани МТМ бўйича I – саломатлик гуруҳига кирувчи болалар улуши 71,7%, II – саломатлик гуруҳига кирувчилар 25,8% ва III – саломатлик гуруҳига кирувчилар эса 2,6%ни ташкил этди.

2. Касаллик аниқланган болалар 100% жумладан 96,6% амбулатор шароитда, 2,7% шифохона ва 0,7% санаторийда соғломлаштирилган.

Адабиётлар

1.Саломова Ф.И. Показатели заболеваемости детей дошкольного возраста по данным углубленного медицинского осмотра // Стоматологиянинг долзарб муаммолари: Илмий-амалий конференция (Халқаро иштирок билан) материаллари. – Тошкент, 2015. – 119-20 б.

2.Саломова Ф.И. Изучение фактического питания детей дошкольного возраста /// Стоматологиянинг долзарб муаммолари: Илмий-амалий конференция (Халқаро иштирок билан) материаллари. – Тошкент, 2015. – 64-65 б.

3.Саломова Ф.И. Изучение фактического питания детей дошкольного возраста // Стоматологиянинг долзарб муаммолари: Илмий-амалий конференция (Халқаро иштирок билан) материаллари. – Тошкент, 2015. – 64-65 б.

4.Сухинин М.В. Результаты профилактических осмотров детей в условиях поликлиники г. Москвы // Вопр. соврем. педиатр. – 2014. – Т. 13, №1. – С. 47-51.

5.Ўзбекистон Республикаси ССВнинг “Болаларга амбулатор-поликлиника муассасаларида тиббий хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 420-сонли буйруғи.

6.Salomova F., Khakimova D, Yarmukhamedova N. Conditions of education and health status of pupils at schools // J. Crit. Rev. – 202. – Vol. 7, Is. 9, 2020. – P. 2394-5125.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ЮНУСОБОД ТУМАНИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИНГ ТИББИЙ КЎРИК НАТИЖАЛАРИНИ АСОСИДА КАСАЛЛАНИШИ

Саломова Ф.И., Садуллаева Х.А.,
Шарипова С.А., Шеркузиева Г.Ф.,
Мухамедова С.Э., Абдукадирова Л.К.

Мақсад: *Тошкент шаҳари Юнус-обод туманидаги мактабгача таълим муассасалари (МТМ) тарбияланувчиларининг тиббий кўрик натижалари асосида касалланашини ўрганиш ва баҳолаш.* ***Материал ва усуллар:*** *Юнус-обод туманидаги МТМ тарбияланувчи болалар, таҳлилий, статистик усул.* ***Натижалар:*** *Юнус-обод туманида МТМ умумий сони 57 та, унда 16703 нафар бола тарбияланади. Мазкур мактабгача таълим муассасаларига 9 та оилавий ва марказий поликлиника малакали тиббий хизмат кўрсатади. Юнус-обод туманида МТМ режа бўйича 16703 нафар тарбияланувчини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш режалаштирилган. Тиббий кўрикдан 16491 нафар бола ўтказилган ва болаларнинг 4671 нафарида касаллик аниқланган, тегишли равишда бу 98,7% ва 28,3%ни ташкил этади.* ***Хулоса:*** *мактабгача таълим муссасаларида тарбияланувчи болалар 71,2% дан 100% гача тиббий кўрик билан қамраб олинган. Юнус-обод тумани МТМ бўйича I – саломатлик гуруҳига кирувчи болалар улуши 71,7%, II – саломатлик гуруҳига кирувчилар 25,7% ва III – саломатлик гуруҳига кирувчилар эса 2,6%ни ташкил этди. Касаллик аниқланган болалар 100% жумладан 96,6% амбулатор шароитда, 2,7% шифохона ва 0,7% санаторийда соғломлаштирилган.*

Калит сўзлар: *МТМ, болалар, тиббий кўриклар, болалар саломатлиги.*

МОНИТОРИНГ ПОТРЕБЛЕНИЯ ЖИРОВ И МАСЕЛ СРЕДИ ЛИЦ ПОЖИЛОГО ВОЗРАСТА

Турниёзова В.М.

QARIYALARDA YOG'LAR VA YOG'LARNI ISTE'MOL QILISHNI NAZORAT QILISH

Turniyozova V.M.

MONITORING THE CONSUMPTION OF FATS AND OILS AMONG THE ELDERLY

Turniyozova V.M.

Ташкентский институт усовершенствования врачей

Maqsad: *O'zbekiston mintaqalarida keksalar orasida yog'lar va yog'larning iste'mol qilinishini nazorat qilish.* ***Materiallar va usullar:*** *haqiqiy ovqatlanish holatini baholash 3 yosh toifasidagi keksa va keksa yoshdagi 1200 respondentda va Toshkent va Qashqadaryo viloyatidagi qariyalar uylarining 84 nafar qaramog'ida bo'lganlarda umumiy qabul qilingan usullar bo'yicha amalga oshirildi.* ***Natijalar:*** *O'zbekistonning kattalar aholisida yog'ning umumiy miqdorini iste'mol qilish o'rtacha qish-bahor mavsumida kuniga 69,9±0,7 g dan yoz-kuz mavsumida kuniga 76,8±0,6 g gacha.* ***Xulosa:*** *yog'larning energiya quvvati kuz-yoz va qish-bahor mavsumlarida ratsional ovqatlanish tamoyillariga mos kelmaydi.*

Kalit so'zlar: *keksa odamlar, fasllar, muvozanatli ovqatlanish, yog 'iste'moli.*

Objective: *Monitoring the consumption of fats and oils among the elderly in the regions of Uzbekistan.* ***Material and methods:*** *The assessment of the state of actual nutrition was carried out according to generally accepted methods in 1200 respondents of elderly and senile age of 3 age groups, and in 84 dependents of nursing homes in Tashkent and Kashkadarya region.* ***Results:*** *The consumption of the total amount of fat by the adult population of Uzbekistan on average ranges from 69.9±0.7 g/day in the winter-spring season to 76.8±0.6 g/day in the summer-autumn season.* ***Conclusions:*** *The energy capacity of fats does not correspond to the principles of rational nutrition both in the autumn-summer and winter-spring seasons.*

Key words: *elderly people, seasons, balanced diet, fat consumption.*

Главным условием эффективности профилактического питания и устранения основных факторов риска – гиперхолестеринемии, нарушения толерантности к углеводам и сахарного диабета, ожирения, артериальной гипертонии у лиц старческого возраст, являются питание в соответствии с его рациональными принципами и его коррекция в соответствии с имеющимися доказательствами участия отдельных диетических факторов в развитии атеросклероза [1-3].

Одним из наиболее экономически эффективных подходов к предотвращения неинфекционных заболеваний (НИЗ) является снижение потребления насыщенных жиров. Опыт различных стран показывает, что популяционные мероприятия, направленные на снижение потребления насыщенных жиров, уникальны в том, что они не только не требуют больших затрат, но и приводят к значительной экономической выгоде. Поэтому в эпоху роста потребления населением планеты жиров и масел и глобальной социальной катастрофы, связанной с прогрессирующим повышением смертности от НИЗ, крайне важен поиск эффективных путей снижения потребления насыщенных жиров для народов с едиными культурно-этническими корнями, в том числе и связанными с культурой питания.

Отправной точкой всех дальнейших мероприятий является первичная базовая оценка потребления насыщенных жиров населением, определяющая дальнейший мониторинг проблемы, как основополагающее мероприятие при планировании мер по сокращению потребления насыщенных жирных кислот.

Цель исследования

Мониторинг потребления жиров и масел среди лиц пожилого возраста в регионах Узбекистана.

Материал и методы

Оценка состояния фактического питания проводилась по общепринятым методам [3] у 1200 респондентов пожилого и старческого возраста 3-х возрастных групп, и у 84 иждивенцев домов престарелых г. Ташкента и Кашкадарьинской области. В связи со спецификой обследуемого населения методы анкетного опроса 24-часового статуса нами были модифицированы и утверждены МЗ РУз в виде скрининг-тестов.

С целью более детальной оценки алиментарных факторов в сохранении здоровья и оценки пищевой ценности рационов нами было изучено 160 меню-раскладок домов престарелых г. Ташкента и Кашкадарьинской области по 26 показателям: белки общие и животные, жиры общие и растительные, углеводы, димоносахариды, полисахариды, пектин, холестерин, энергетическая ценность, соли кальция, фосфора, железа, магния, содержание витаминов А, β-каротина, тиамина, рибофлавина, пиридоксина, цианкобаламина, витаминов С, Д, Е, РР, фолиевой кислоты и клетчатки по сезонам года [4].

Результаты исследования

Полученные результаты показали, что потребление общего количества жиров взрослым населением Узбекистана в среднем составляет от 69,9±0,7 г/день в зимне-весеннем сезоне до 76,8±0,6 г/в день в летне-осеннем сезоне. Показатели потребления общего количества жиров и растительных масел на-

селением различных регионов страны не различаются (табл.).

Оценка потребления жиров в среднесуточных рационах питания по исследуемым областям свидетельствует о несоответствии их энергетической емкости принципам рационального питания как в осенне-летнем, так и в зимне-весеннем сезоне. Так, энергетическая емкость среднесуточных рационов питания за счет жиров составляет от 21,9±5 до 23,9±5% вместе 30-31%, рекомендуемых для стран с жарким климатом. Самая низкая энергоемкость за счет жиров наблюдается в зимне-весеннем сезоне.

Таблица

Энергетическая емкость жиров и масел в общей структуре среднесуточных рационов питания исследуемых групп населения, Ккал и %

Показатель	г. Ташкент, женщины 60-90 лет	г. Ташкент, мужчины 60-90 лет	Кашкадарьинская обл., мужчины 60-90 лет	Кашкадарьинская обл., женщины 60-90 лет
Энергетическая ценность рационов	2860±22 2890±24	2920±21 2980±23	2894±22 2920±23	2742±23 2886±25
Общее к-во жиров	72,0±0,5 76,8±0,6	71,3±0,6 73,8±0,7	74,2±0,7 76,8±0,5	69,9±0,7 72,8±0,5
% за счет общих жиров	22,6±4 23,9±5	21,9±5 22,2±6	23,0±6 23,6±4	22,9±6 22,7±5

Примечание. В числителе показатели в зимне-весенний сезон, в знаменателе – в летне-осенний сезон.

Литература

1. Агранович Н.В., Анопченко А.С., Кнышова С.А. Анализ факторов риска у лиц пожилого и старческого возраста, влияющий на активную трудовую деятельность // Пожилой больной. Качество жизни: Материалы 21-й Междунар. науч.-практ. конф. // Клин. геронтол. – 2016. – Т. 22, №9-10. – С. 76.
2. Архипов И.В., Гурьянова Г.С. Стратегия действий в интересах граждан пожилого возраста- проблем, пути, решения // Клин. геронтол. – 2016. – Т. 22, №5-6. – С. 70-74.
3. Дебюк Н.Е., Коган А.М./К методике изучения питания организованных групп населения // Вопр. питания. – 1967. – №3. – С. 62-65.
4. Химический состав пищевых продуктов. – Кн. 2. Справочные таблицы содержания аминокислот, жирных кислот, витаминов, макро- и микроэлементов, органических кислот и углеводов; Под ред. И.М. Скурихина, М.Н. Волгарева. – М.: Агропромиздат, 1987. – 356 с.

МОНИТОРИНГ ПОТРЕБЛЕНИЯ ЖИРОВ И МАСЕЛ СРЕДИ ЛИЦ ПОЖИЛОГО ВОЗРАСТА

Турниёзова В.М.

Цель: *мониторинг потребления жиров и масел среди лиц пожилого возраста в регионах Узбекистана.* ***Материал и методы:*** *оценка состояния фактического питания проводилась по общепринятым методам у 1200 респондентов пожилого и старческого возраста 3-х возрастных групп, и у 84 иждивенцев домов престарелых г. Ташкента и Кашкадарьинской области.* ***Результаты:*** *потребление общего количества жиров взрослым населением Узбекистана в среднем составляет от 69,9±0,7 г/день в зимне-весеннем сезоне до 76,8±0,6 г/в день в летне-осеннем сезоне.* ***Выводы:*** *энергетическая емкость жиров не соответствует принципам рационального питания как в осенне-летнем, так и в зимне-весеннем сезоне.*

Ключевые слова: *лица пожилого возраста, сезоны года, рациональное питание, потребление жиров.*

УДК: 6:61:613:613.2:613.26

TIBBIYOTDA SORGHUM (OQ JO'XORI) MAHSULOTINING AMALIY SAMARASI

Shamuratova N. Sh.

ПРАКТИЧЕСКОЕ ДЕЙСТВИЕ ПРОДУКТОВ СОРГО (БЕЛОЙ КУКУРУЗЫ) В МЕДИЦИНЕ

Шамуратова Н.Ш

PRACTICAL EFFECTS OF SORGHUM (WHITE CORN) PRODUCTS IN MEDICINE

Shamuratova N.Sh.

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали

Цель: *изучение органолептических, пищевых и биологических свойств кукурузы белой и оценка влияния приготовленных из нее блюд на организм человека, а также применения ее в медицине.* ***Материал и методы:*** *в лаборатории химии растительных веществ изучали органолептические, физико-химические, пищевые и биологические свойства кукурузы белой.* ***Результаты:*** *пищевую ценность белой кукурузы определяет высокое содержание в ней белков и углеводов.* ***Выводы:*** *белая кукуруза соответствует гигиеническим требованиям по содержанию физико-химических, питательных и микроэлементов, входит в рецепты многих национальных блюд и деликатесов, широко используется в детском питании, в рационе спортсменов, имеет важное значение при приготовлении диетических блюд. Белая кукуруза – важный и полезный продукт.*

Ключевые слова: *кукуруза белая, питание, микро- и макронутриенты, деликатесы, пищевая ценность, национальные и диетические блюда, органолептические и биологические свойства, полезный продукт.*

Objective: *To study the organoleptic, nutritional and biological properties of white corn and to conduct hygienic research. To study the effects of white corn dishes on the human body and its use in medicine.* ***Materials and methods:*** *Organoleptic, physicochemical, nutritional and biological properties of white corn were studied in the laboratory of plant chemistry.* ***Results:*** *The high protein and carbohydrate content of white corn determines its nutritional value.* ***Conclusion:*** *The analyzed white corn meets the hygienic requirements set by its physicochemical, nutrient and micronutrient content and are included in the recipes of many national and delicacies, is widely used in children's diets, athletes' diets, is important in the preparation of dietary foods and is a useful product.*

Key words: *white corn, nutrition, micro and macronutrients, delicacy, nutritional value, national and dietary dishes, organoleptic and biological properties, useful product.*

Республиканинг айрим худудларида етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотларининг янги хилларини, ерли аҳолининг ҳаёт фаолиятида мавжуд бўлган экологик, ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат шароитларини назарда тутган ҳолда, гигиеник нуқтаи назардан таҳлил этиш тўғри овқатланишга оид тадбирлар тизимида, қолаверса, шу худуд нутрициологияси муаммоларида алоҳида муҳим ўрин эгаллаган [4,5]. Чунки бунда маҳсулотларнинг нутриентик таркиби, озуқавий сифати, саломатлик учун хавфли-хавфсизлик даражаси, биологик жиҳатдан овқатдаги салмоғи ва энергетик қиймати аниқланади [1,2].

Айни йўналишда аҳоли томонидан кўп миқдорда истеъмол этиладиган ва аксарият миллий таомларнинг асосини ташкил этган, чунончи, ўсимлик маҳсулотлари гуруҳига кирган дон ва дон-дуккакли озиқ-овқат маҳсулотларининг озуқавий қийматини илмий-амалий жиҳатдан таҳлил этиш алоҳида аҳамият касб этади [3].

Ўзининг пазандалик, овқатга маза бериши, озуқавий ва биологик хусусиятлари билан оқ жўхори ёрмаси соғлом кишилар ва беморларнинг ҳаёт фаолиятида зарур ва фойдали бўлган маҳсулот бўлиб ҳисобланади [6]. Бинобарин, оқ жўхори республика аҳолиси истеъмолида бўлган овқатларнинг аксарият ҳолатда таркибий қисмини ташкил этади. Оқ жўхори ёрмаси кўпчилик миллий ва тансиқ таомларнинг рецептураларига киради, болаларнинг овқатланишларида, спортчилар рационида кенг ишлатилади, парҳез таомлар тайёрлашда муҳим ва фойдали маҳсулот бўлиб ҳисобланади [2]. Шунга кўра, аҳолининг барча гуруҳларига манзур бўлган оқ жўхори маҳсулоти озиқ-овқат саноатининг аксарият соҳаларида, умумий овқатланиш корхоналарида, қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг оилавий овқатланишларида ҳамда айрим миллий анъаналарда кенг кўламда ишлатилади [3].

Мақсад

Республиканинг шимолий худудларида (Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида) дон маҳсулотларининг асосийларидан бири бўлиб ҳисобланмиш оқ жўхори маҳсулоти кўп миқдорда етиштирилади. Бунга худуднинг иқлим-географик шароити кўп жиҳатдан мос келади. Хоразм воҳасида нафақат ташқи кўриниши (органолептик хусусияти), балки физик-кимёвий кўрсаткичлари, озуқавий ва биологик хусусиятлари билан бир - биридан маълум даражада фарқ қиладиган бир неча хил (нав) оқ жўхори (ёрмаси) етиштирилади.

Республиканинг оқ жўхори етиштирадиган вилоятларида (жумладан Хоразм вилоятида) экологик муҳитни назарда тутган ҳолда оқ жўхорининг янги етиштирилган навлари ҳар томонлама (комплекс) ва фарқланиш кўрсаткичларини эътиборга олиб режалаштирилган гигиеник илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Оқ жўхори асосида тайёрланадиган миллий таомларнинг озуқавий қийматини ўрганишга оид масалалар ҳам тўла равишда ўз ечимини топмаган. Бундай ҳолат айни йўналишдаги тегишли

илмий изланишларни режалаштиришни ва бажаришни тақозо этади.

Материал ва усуллар

Қуйида Хоразм вилоятида етиштирилган, аҳолининг истеъмолида бўлган оқ жўхори ёрмасини гигиеник жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлган ва илмий режалар асосида бажарилган тадқиқотлар натижалари ва тегишли амалий тавсиялар келтирилган .

Илмий-амалий тадқиқотлар

Хоразм вилоятининг туманларида етиштириладиган оқ жўхори етиштирувчи туманларида олиб борилди. Тегишли лаборатория таҳлиллари ва биологик тадқиқот режалари қуйидагиларни ташкил этди:

оддий оқ жўхори (Sorghum cernuum) нинг органолептик хусусияти, нутриентик ва микронутриентик таркиби ва энергетик қиймати (калорияси) ни аниқлаш;

оддий оқ жўхори асосида тайёрланган миллий таомларни гигиеник жиҳатдан баҳолаш;

режанинг ҳар бандига оид тадқиқотлар натижалари асосида тегишли амалий тавсиялар яратилди.

Мазкур илмий-тадқиқот натажалари жойлардаги санитария-эпидемиология назорати марказлари, даволаш-профилактика муассасалари ошхоналари, умумий овқатланиш корхоналари ва аҳолининг овқатланишини уюштиришга таалуқли ташкилотлар, санаторийлар ва профилакторийлар ходимларига мўлжалланган.

Ўрганилган ва таҳлил этилган текширувларга асосан, оқ жўхори ўзининг органолептик хусусиятлари ва ташқи кўринишига тегишли кўрсаткичлари билан амалиётдаги андоза (стандарт) талабларига тўла-тўкис жавоб беради. Мазкур бандга оид маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Оқ жўхорининг органолептик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Органолептик талаблар
Ранги	Оқ, оч сариқ тусга эга бўлган донлар бўлиши мумкин
Ҳиди	Оддий оқ жўхори ёрмасига хос (моғор, бўрсиган ёки бегона ҳидсиз)
Мазаси	Оддий оқ жўхори ёрмасига хос ширин (аччиқ, тахир ёки бошқа бегона таъмсиз)

Маълумки, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва озуқавий қийматини белгиловчи асосий кўрсаткичлар қаторига уларнинг нутриентик ва микронутриентик таркибига оид маълумотлар ҳамда энергетик қиймат (калория) кўрсаткичлари киради. Бу хусусда бажарилган тадқиқотлар натижаларига асосланиб шуни қайд этиш мумкинки, таҳлил этилган оқ жўхори навлари ўзининг физик-кимёвий, нутриентик ва микронутриентик таркиб кўрсаткичлари билан белгиланган гигеник талабларга жавоб беради. Мазкур бандда, жумладан, таҳлил этилган оқ жўхорининг физик-кимёвий ва нутриентик таркибини ифодаловчи маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Оқ жўхорининг кимёвий таркиби

Оқ жўхори нави	Сув	Оқсил	Мой	Углевод	Ca	Na	K	Mg	P	Fe	B_1	B_2	PP	Kkal
Sorghum cernuum	13,5	10,6	4,1	59,6	99	28	246	127	298	4,4	0,46	0,16	3,30	323

Натижалар ва муҳокамалар

Ўрганилган маълумотлар асосида маълум бўлдики , оддий оқ жўхори таркибида оқсил ва углеводлар миқдорининг кўплиги унинг юқори озуқавий қийматга эга эканини билдиради. Таркибидаги тиамин моддаси инсоннинг мия функцияси ва марказий нерв системаси фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади, мускуллар тонусини, иштаҳани, ошқозоннинг секрециясини рағбатлантиради ва юрак мускулларининг фаолиятини нормаллаштиради. Оддий оқ жўхори таркибидаги полифенолли бирикмалар (кучли антиоксидантлар) инсон танасини салбий атроф-муҳит омилларидан, спиртли ва тамаки таъсиридан ҳимоя қилади ва қаришга қарши таъсир кучига эга. 1 г оддий оқ жўхори таркибида 62 мг гача полифенол бирикмаларини сақлайди. Таққослаш учун бу озиқ моддалар таркибининг чемпиони сифатида кенг тарқалган черниканинг 100 г да 5 мг полифенол бирикмалар мавжудлигини келтириб ўтамиз.

Оддий оқ жўхори шунингдек, метаболик жараёнларни яхшилайдиган, ёғларни ва ёғ кислоталарнинг ҳазм қилишни яхшилайдиган, стероид гормонлари, аминокислоталар ва витаминлар синтезини рағбатлантирувчи РР ва биотин витаминларини ўз ичига олади. Ундаги фосфор суяк скелетининг тузилишида фаол ёрдам беради ва у жайраларни фосфор билан таъминлайди. Ушбу маҳсулот қонда қанд даражасини тартибга солишга ёрдам беради ва глюкоза ишлаб чиқаришда иштирок этади. Шунинг учун қандли диабет касалликларида тавсия этилади. Бундан ташқари, у гемоглобиннинг синтезини рағбатлантиради ва қизил қон хужайралари орқали организм тўқималарига кислородни ташиш имконини беради.

Асаб касалликлари, ошқозон-ичак тракти касалликларида ошқозон ва ичаклар шиллиқ қаватининг тикланишида, шиллиқ қаватлар ва терилар регенерациясини яхшилаш учун истеъмол қилиш тавсия этилади, айниқса болалар, катталар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар таомномасига қўшиш фойдали бўлади.

Буйрак етишмовчилигида кузатиладиган шиш симптомини бартараф қилишда ҳам оддий оқ жўхори жуда яхши диуретик ҳисобланади. Бундан ташқари целиакия касаллиги (буғдой глютен оқсилига аллергия) ташхиси бор беморлар овқат рационига тавсия этилади, чунки оддий оқ жўхори таркибида глютен оқсили йўқ.

Турли этиологияли сурункали касалликларнинг диетотерапиясида ўзга географик иқлим шароитларда етиштирилган хорижий дон-дуккакли озиқ-овқат маҳсулотларини (хорижий чечевица, гречка, горох, перловка, овсянка) эволюцион жараёндаги ҳазм тизимига тўлиқ мос келмаслиги сабаб, иқтисодий жиҳатдан қимматлиги сабаб, парҳезда маҳаллий маҳсулотларни қўллашни тақозо этади. Сурункали касалликлар диетотерапиясида маҳаллий иқлим шароитида етиштирилган ва иқтисодий жиҳатдан ҳам арзон тушадиган маҳаллий дон-дуккакли маҳсулотлардан (ловия, мош, нўхат, оқ жўхори, маккажўхори, гуруч) тайёрланган таомларни тавсия қиламиз. Чунки улар таркибидаги барча моддалар бизнинг организмимиз учун ёт эмас.

Хулоса

Шуни ҳисобга олган ҳолда, кўпгина сурункали касалликларнинг диетотерапиясида оқ жўхоридан тайёрланган “оқ жўхори бўтқаси” ни тавсия қиламиз. Унинг биологик қиммати унда жуда юқори миқдорда углевод ва оқсилнинг мавжудлигидадир. Оқ жўхоридан тайёрланган бўтқа сурункали гепатитда яхши фойда қилади. Буни биз ўз тажрибаларимизда кузатганмиз. Оқ жўхори таркибида қимматли оқсиллар, витаминлар ва минерал моддалар мавжуд бўлиб, организмга ёшартирувчи таъсир кўрсатади. Оқ жўхорининг кучли липотроп ва диуретик хусусиятга эгалиги жигар циррозида жуда фойда беради. Сурункали жигар касалликлари билан оғриган беморлар диетотерапиясида оқ жўхоридан тайёрланган “оқ жўхори бўтқаси” дан фойдаланиш жуда яхши натижа беради. Инсон организми турли экологик иқлим шароитларида етиштирилган дон-дуккакли озиқ-овқат маҳсулотларини яхши қабул қилмаслигини, организм ўзиникини ўзганикидан фарқлашини ҳисобга олиб, парҳезда маҳаллий маҳсулотларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади деган хулоса чиқаришга олиб келади.

Адабиётлар

1. Дусчанов Б.О. Озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби. – Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2002. – 8-9 б.
2. Закирходжаев Ш.Я., Азизов С.З., Муҳамеджанов Н.З. Здоровое и лечебное питание – ключ к активному долголетию. – Ташкент: Узбекистан, 2019. – 191 с.
3. Ибн Сино таълимотида овқатланиш ва замонавий диетология: Илмий-амалий конференция. – Урганч, 2018. – 48-49 б.
4. Каримов Ш.И. Соғлом овқатланиш – саломатлик мезони. – Тошкент, 2015. – 195-197 б.
5. Соғлом ва парҳез овқатланишнинг долзарб муаммолари. – Семинар илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2017. – 180-183 б.
6. Шайхова Г.И. Овқатланиш сабоқлари. – Тошкент: O’zbekiston, 2015. – 294-295 б.

TIBBIYOTDA SORGHUM (OQ JO’XORI) MAHSULOTINING AMALIY SAMARASI

Shamuratova N.Sh.

Мақсад: *oq jo’xorining organoleptik, ozuqaviy va biologik xususiyatlarini tekshirish va gigienik ilmiy-tadqiqot ishi olib borish. Oq jo’xoridan tayyorlangan taomlarning inson organizmi uchun samarasini o’rganish va tibbiyotda qo’llash.* ***Material va usullari:*** *oq jo’xorining organoleptik, fizik-kimyoviy ko’rsatkichlari, ozuqaviy va biologik ko’rsatkichlari o’simliklar kimyosi laboratoriyasida ilmiy izlanishlarda olib borildi.* ***Natijalar:*** *oq jo’xorining tarkibida oqsil va uglevodlarning ko’pligi uning ozuqaviy qiymatini belgilaydi.* ***Xulosa:*** *tahlil etilgan oq jo’xori o’zining fizik-kimyoviy, nutrientik va mikronutrientik tarkib ko’rsatkichlari bilan belgilangan gigenik talablarga javob beradi va ko’pchilik milliy va tansiq taomlarning retsepturalariga kiradi, bolalarning ovqatlanishlarida, sportchilar ratsionida keng ishlatiladi, parhez taomlar tayyorlashda muhim va foydali mahsulot bo’lib hisoblanadi.*

Kalit so’zlar: *oq jo’xori, ovqatlanish, makro va mikro nutrientlar, tansiq taom, ozuqaviy qiymati, milliy va parhez taomlar, organoleptik va biologik ko’rsatkichlari, foydali mahsulot.*

УДК: 613.955

HYGIENS RESULTATS OF SCHOOLS SCHEDULE

Yusupova O.B., Sobirova S.J.

МАКТАБЛАРДА ДАРС ЖАДВАЛИНИ ГИГИЕНИК ТАҲЛИЛИ НАТИЖАЛАРИ

Юсупова О.Б., Собирова С.Ж.

РЕЗУЛЬТАТЫ ГИГИЕНИЧЕСКОГО АНАЛИЗА РАСПИСАНИЙ УРОКОВ В ШКОЛАХ

Юсупова О.Б., Собирова С.Ж

Tashkent Medical Academy Urgench branch

Болалар ва ўсмирларни саломатлигини муҳофаза қилишда асосий омиллардан бири кун тартибини тўғри тузишдир. Нотўғри тузилган кун тартиби болаларни саломатлиги ва жисмоний ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Мактабларда дарс жадвали гигиеник қоидаларга асосланиб тузилмаса болаларда чарчашни келтириб чиқариши, бу эса ўз навбатида турли касалликларни сабабчиси бўлиши мумкин.

Калит сўзлар: *кун тартиби, дарс жадвали, гигиеник талаб, Анфимов жадвали, ақлий фаолият, чарчаш, ҳафталик юклама.*

Основным фактором при сохранении и укреплении здоровья детей и подростков является правильно составленный режим дня. Неправильно составленный режим дня негативно воздействуют на состояние здоровья и физического развития детей и подростков. Не отвечающее гигиеническим требованиям расписание уроков может привести к развитию утомления и различных заболеваний у детей.

Ключевые слова: *режим дня, расписание уроков, гигиеническое требование, таблица Анфимова, умственный труд, утомление, недельная нагрузка.*

One of the main elements of schoolchildren's healthy living is to organize right daily order. It is considered, that the main factor of keeping healthy schoolchildren, teenagers and normal course of their physical development is directly connected with correctly organizing daily order at schools. That is why for supporting children and teenagers' health it is very important to select correctly the study process. Not following correct routine strictly, affects badly on growing-up organisms. Pupils working and learning ability decrease and, subsequently it affects on their health harmfully [4-6].

Daily order which has been organized according to hygienic features correctly gives an opportunity to fulfill main types of pupils' daily physical and mental activities, their relaxing.

If in schools programmes developing pupils' mental activity are not arranged, it will be very difficult to achieve success in studying and health care. Aim of our scientific work is to learn organizing moments of study with hygienic monitoring at schools and studying development of pupils' mental activity [1-3].

Materials and methods

Research work was made at school №1 in Urgench city and at school number 9 in Yangiarik district. For this from each school were taken 8th - class pupils' weekly time-table and it was analyzed. Studying students' mental activities were observed on Thursday during the third lesson. For this reason at the beginning and at the end of the lesson Anfimov's tables were given to pupils and examinations were conducted.

Result and discussion

According to the analyzes of the schedule it was found that the highest point of permitted study load is 35 hours a week. According to hygienic measures in secondary schools weekly class work should not be over 36 hours for 8th class pupils.

According to hygienic orders intervals must be 10 minutes for all pupils, a long break must be 30 minutes or after 2nd and 3rd lessons it must be 20 minutes. In analyzed time table there was 20 minutes break after the 3rd lesson. It doesn't fit to the hygienic order.

Weekly time table study load must consist of 5 or 6 lessons per day. Analyzed lessons' schedule were composed of 5 or 6 lessons each day and it is suitable to the hygienic order.

According to the results of experiment schoolchildren's learning abilities were very high during the 2nd and the 3rd lessons. Therefore subjects which are difficult to learn should be chosen for the 2nd and the 3rd lessons. Such kind of position were not taken into consideration at these schools. For example on the 8th –A group pupils' schedule at school number 9 were put mother tongue and literature at the 2nd and the 3rd lessons, contradicting mathematic was chosen for the 6 lesson. Same condition were observed at the 8th - B group, on Tuesday, Wednesday, Friday 5th and 6th were mathematic, physics and chemistry lessons. Complicated lessons cannot be chosen for the 1st lesson either, because after relaxing pupils' central nerves system cells are not stimulated properly and effects on mental ability of pupils. The same condition were seen at the 8th - B group, the first lesson was mathematic. And this case were observed at school №1, too. For example in 8th -A group, on Monday, Friday, Saturday, mathematic was chosen for the first lesson without paying attention on students' mental ability.

Such kind of condition was repeated in 8th -D and 8th -E groups, mathematic physics, chemistry were chosen for the 1st - lessons.

According to hygienic order, the highest time table must be chosen on Wednesday and Thursday. Their actions will be low at the beginning or at the end of week because they have a rest on Monday and it will be difficult for them to learn lessons. At the end of the week they will be tired that is why fewer lessons must be chosen for these days.Findings in analyzed schools showed that the

main schedule was chosen for Saturday, Monday and it doesn't answer to the hygienic demands.

As well as, at the secondary schools 2 hours of each subject should not be put on schedule. It leads to exhausting of students. The results in these schools are as following: Analyzed these schools haven't paid attention to this demand. For instance on Monday 2 lessons of mathematic were chosen for all 8th form pupils in a sequence. At school № 1 mathematic was chosen in a sequence after that 2nd lesson on chemistry were put on Monday.

While making time table according to hygienic demands, complicated subjects must be given between easy lessons. This may improve children's central nerves system functional condition will and it avoids children's tiring. It was not taken into consideration in these analyzed lessons. For example, at school № 9 in 8th - A form on Tuesday there is physics and then chemistry, in 8th -D form on Friday there is chemistry after mathematic.

As above analyzed, we checked up 17 pupils. Improvement at every two schools and we took it at the end, at the beginning of the lesson. According to results it was analyzed every two schools' capability of work was low from numbers and quality.

Experiments were taken on 17 pupils from every school. At school №9, 14 pupils crossed out necessary letters N to A from 10 to 15, at school №1 11 pupils crossed out from 20 letters till 24 letters. According to this point we may see pupils memory attention is low. Except this, the point of quality was low. For example, if we take they point of number, pupils from every two schools couldn't do this task. They had a lot of mistakes who did it. In this case, we may see the point of quality is low.

Conclusion and recomendations. Based on analyzed results we can conclude hygienic demands was not followed. This case may cause pupils' improving's low organizms' tiring, in some cases it causes some deseases. In this way time tables at schools must be choosen with hygienic order and doctor's control.

Literature

1.Аветисян Л.Р., Кочарова С.Г., Изучение влияния повышенной учебной нагрузки на состояние здоровья учащихся // Гиг. и сан. – 2001. – №6. – С. 48-49.

2.Гигиенические требования к условиям обучения школьников в общеобразовательных школах: СанПиН РУз № 0102-00. – Ташкент, 2000. – 67 с.

3.Камилова Р.Т., Искандарова Ш.Т., Эрматов Н.Ж., Салихова Н.С. Гигиенические рекомендации по организации режима обучения и воспитания учащихся общеобразовательных школ // Бюл. ассоц. врачей Узбекистана. – 2004. – №3. –С. 99-105.

4.Кучма В.Р. Гигиена детей и подростков. – М., 2010. – 472 с.

